

“ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ”

Маъруза мавзуси: Жиноят-ижроия ҳуқуқи фани тушунчаси, предмети ва тизими. Жиноят-ижроия қонунчилиги (1-мавзу)

Маърузачи: Ғ.Эрматов

1. МАЪРУЗА НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади:: модулни ўқитишга кириш ҳисобланувчи илк билимларни бериб, энг аввало фаннинг тушунчаси, предмети, вазифалари, ўзига хос хусусиятлари, тизими ва бошқа юридик фанлар билан алоқадорлиги, жиноят-ижроия ҳуқуқининг вазифалари, функцияси ва Жиноят-ижроия кодексида назарда тутилган принциплари, жиноят-ижроия қонунчилиги бу қонун ҳужжатларининг вазифалари, уларнинг амал қилиш даражаси ва халқаро ҳуқуқий нормалар билан алоқадорлиги масалаларини талабаларга чуқур етказишдан иборат.

Маъруза натижасида талаба:

- ❖ маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлади;
- ❖ маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли жиноятчиликка қарши кураш бўйича ўз фикрини баён эта олади;
- ❖ ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- ❖ тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади.

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ❖ маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ❖ маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмунини ҳақида тушунча берилади;
- ❖ мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ❖ режа асосида слайдлар ёрдамида мавзуаги асосий ҳолатлар тушунтирилади;
- ❖ мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ❖ муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ❖ зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ❖ асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага яқун ясалади.

Ушбу мавзу билан танишиш фаннинг кейинги мавзуларини ўрганишга тайёрлайди, уларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

3. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Жиноят-ижроия ҳуқуқи – жазони ижро этиш ва қўллаш тартиби ҳамда шарт-шароитларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат бўлган ҳуқуқнинг мустақил тармоғи, алоҳида фан ва ўқув курси.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи фани тизими икки: умумий ва махсус қисмлардан иборат.

Умумий қисмда: жиноят-ижроия ҳуқуқи фанининг тушунчаси, жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари, маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жазо ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи органлар ҳамда улар фаолиятини текшириш ва назорат қилиш ўрганилади.

Махсус қисмда: ҳар бир жазо ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ўташ ва ижро этиш тартиби ҳамда шартлари, маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти, меҳнати ва уларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган рағбатлантириш ва интизомий чораларни қўллаш тартиби, маҳкумларни жазодан озод қилиш тартиби ўрганилади.

4. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Жиноят-ижроия ҳуқуқи фани предмети – Жиноят-ижроия кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинадиган, барча жиноий жазолар ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ўташ ва ижро этиш тартиби, маҳкумлар ва мазкур жазоларни ижро этувчи органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи фани бошқа ҳуқуқ соҳалари билан чамбарчас боғлиқлиги.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи фанининг жиноят ҳуқуқи билан алоқаси ва фарқи қуйидагиларда намоён бўлади: жиноят ҳуқуқи жазо ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари тушунчаси, мақсади ва турларини ўрганса, жиноят-ижроия ҳуқуқи мазкур жазо ва чораларни ўташ ҳамда ижро этиш тартиби ва шартларини ўрганади. Шу билан бирга, жиноят ҳуқуқида жазодан озод қилиш турлари ва асослари ўргатилса, мазкур институтни ижро этиш тартиби айнан жиноят-ижроия ҳуқуқ томонидан ўрганилади.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи криминология фани билан ҳам боғлиқдир. Жумладан, криминология жиноятчилик, унинг вужудга келиш сабаблари ва шарт-шароитларини, кўрсаткичларини, жиноятчи шахси ва жиноятларни олдини олишни ўрганса, мазкур фан жиноятни содир этишда айбли деб топилган шахсларни, яъни маҳкумларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларга нисбатан рағбатлантирувчи ва интизомий чораларни қўллаш тартибини ўрганади. Бошқача айтганда, криминологияда умумий жиноятчилик ҳолати ўрганилади, хусусан, пенитенциар жиноятчиликнинг юзага келиш сабаблари, уларнинг олдини олиш масалалари ёритилади. Жиноят-ижроия ҳуқуқида эса, чиқарилган ҳулосалар асосида жазони ижро этиш тизимига тегишли ўзгартиш, қўшимчалар киритилади ва ҳоказо.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи жиноят-процессуал ҳуқуқи ва **прокурор назорати** фанлари билан боғлиқлиги шу билан белгиланадики, ушбу фанлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан прокуратура ва суд органлари фаолиятини билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни ўрганса, жиноят-ижроия ҳуқуқи фани юқорида айтиб ўтилган жазо ва чораларни ижро этувчи органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг фаолиятини назорат қилиш ва текшириш каби ижтимоий муносабатларни тадқиқ этади.

Жиноят-ижроия қонунининг принциплари қуйидагилардан иборат:

Умумий принциплар:

1. Қонунийлик;
2. Адолат;
3. Инсонпарварлик;
4. Демократизм.

Махсус принциплар:

1. Жазони ижро этишда дифференциацияга риоя этиш;
2. Жазони ижро этишда индивидуаллаштиришга риоя этиш;
3. Маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш;
4. Мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш.

Қонунийлик принципи – жиноят-ижроия соҳасидаги барча муносабатлар қонун асосида тартибга солинишини назарда тутиб, ҳуқуқ соҳаларининг бевосита асосини ташкил этади. Шунинг учун ҳам халқаро ҳужжатларда ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам бу принцип мустаҳкамланган.

Адолат принципи - жиноят-ижроия қонунчилигида катта аҳамият касб этади. Жумладан, ҳар қандай маҳкум гарчанд жиноятчи бўлишига қарамай, адолат принципи асосида жазодан озод қилиниш имкониятига эга бўла олади.

Инсонпарварлик принципи – жиноят-ижроия қонунининг умумий принципларидан бири сифатида турли хил шакл ва йўналишларда намоён бўлади. Жумладан, амалдаги жиноят-ижроия қонунчилигида аввалги қонунчиликдан фарқли равишда, маҳкумларнинг жазони ўташ шароитларига нисбатан инсонпарварлик кенг доирада қонунийлаштирилган. Бу масалалар халқаро ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган.

Демократизм принципи – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ равишда жиноят-ижроия тизимида давлат ҳокимияти, бошқарув ва ўзини-ўзи бошқариш органларининг

иштироки демократизм принципнинг яққол мисолдир. Демократизм принципи қуйидагиларда намоён бўлади:

- маҳкумларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши, шикоятлар орқали мурожаат қилиши;
- хат ва ёзишмаларни ўз миллий тилида баён этишининг эркинлиги;
- маҳкумга қўйилаётган айблов ҳужжатлари билан танишиб чиқиши ва ҳоказо.

Жазони ижро этишда индивидуаллаштириш ва дифференциацияга риоя этиш принципи – озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этишда жуда аҳамиятли бўлиб ҳисобланади. Жумладан, маҳкумларнинг ёши, жинси, ижтимоий ҳавфлилиги, уларнинг илгари ҳам жиноят содир этиб, жазони ўтаб чиққанлиги, рецидивлиги ҳамда содир этган жиноятининг ижтимоий ҳавфлилиги бу принцип асосида тартибга солинади. Жазони ижро этишда дифференциацияга риоя этиш – маҳкумларнинг ижтимоий ҳавфлилигига кўра бир-бирдан ажратилган ҳолда сақлаш ва уларга ўзларининг ижтимоий ҳавфлилигига кўра мажбурлов чораларининг қўлланилиши.

Жазони ижро этишда индивидуаллаштиришга риоя этиш принципи – маҳкумни ахлоқан тузатишга қаратилган принцип. Маҳкумнинг ижтимоий ҳавфлилиги, содир этган жиноятининг ҳавфлилиги даражасига қараб ажратиш, уни алоҳида индивидуал жазолаш имконини беради. Жазони ижро этишда индивидуаллаштиришга риоя этиш - бригада ёки отрядга тақсимланганларга нисбатан турли хилдаги тарбиявий чоралар қўллаш.

Маҳкумларни қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш – маҳкумларнинг намунали хулқи, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлишлиги, ички тартиб - интизомга риоя қилиш ва уни ҳурмат қилиши қонун билан рағбатлантирилиши.

Мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш – маҳкумларни ахлоқан тузатишга қаратилган принцип. Ахлоқан тузатишга қаратилган чора-тадбирлар: меҳнат, ўқитиш, профессионал тайёргарлик, ҳар бир маҳкумнинг ўз ишидан қониқиш ҳисси.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия Кодекси ва унга мувофиқ қабул қилинадиган бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

1. Жиноий жазони, бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш принциплари, тартиби ва шартларини;
2. Маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомини;
3. Маҳкумларни ахлоқан тузатиш воситалари ҳамда уларни қўллаш тартибини;
4. Маҳкумларни жазони ўташдан озод қилиш тартибини;
5. Жазони ижро этувчи муассаса ва органлар фаолияти тартибини;
6. Маҳкумларни ахлоқан тузатишда давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхона, муассаса, ташкилотларнинг, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг иштирокини белгилайди.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг вазифаси – жазо ижросини таъминлаш, маҳкумларни ахлоқан тузатиш, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг амал қилиши:

1. Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади;
2. Жазони ижро этиш ва маҳкумларни ахлоқан тузатиш воситалари амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлланилади.

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

1. Жиноят-ижроия ҳуқуқи фани тушунчаси ва предмети.
2. Жиноят-ижроия ҳуқуқини давлатнинг устивор йўналишларидан келиб чиқадиган вазифалари (Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2 чақириқ 6 сессиясида сўзлаган “Адолат – қонун устуворлигида” номли

маърузаси ҳамда 2010 йил 12 ноябрдаги Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасига асосланган ҳолда).

3. Жиноят-ижроия ҳуқуқининг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида тутган ўрни.
4. Жиноят-ижроия ҳуқуқи фани ва унинг жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи, педагогика, психология ва криминология фанлари билан алоқадорлиги.
5. МДХ, чет давлатлар ва Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилиги ривожланиши тарихи.
6. Жиноят-ижроия қонунларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйича амал қилиши.
7. Жиноят-ижроия қонунчилиги ва бошқа халқаро қонун ҳужжатлари, уларни қўллаш тартиби.
8. Жазони ижро этиш асослари ва тартиби.
9. Жиноят-ижроия қонунчилиги принциплари.
10. Жиноят-ижроия қонунчилиги нормалари.
11. Маҳкумни ахлоқан тузатиш ва унинг асосий воситалари.
12. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнида жиноят-ижроия ҳуқуқи фани олдида турган вазифалар.

6. МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:

1-масала.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида маълумот беринг.

2-масала.

Жиноят-ижроия ҳуқуқи принципларини изоҳлаб беринг.

7. МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

1. Жиноят-ижроия ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир-ю.ф.н., доц. Б.Ж.Ахроров. –Т.: Ўқитувчи, 2002. – 208б.
2. Жиноят-ижроия кодексига шарҳлар. Рустамбоев М.Ҳ., Ахроров Б.Ж. ва бошқалар. Маъсул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 574 б.
3. Комментарий к Исправительно-трудовому кодексу Республики Узбекистан. –Т.: Узбекистан, 1997.- 345с.
4. Абдухалиқов М.А., Пайзуллаев Қ., Абдуқодиров Ш.Ё. Жиноят -ижроия ҳуқуқи (альбом схемалар). –Т.: ТДЮИ, 2005. – 142 б.

“ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ”

Маъруза мавзуси: Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати. (2-мавзу)

Маърузачи: Ғ.Эрматов

1. МАЪРУЗА НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади: Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан мустаҳкамланган бўлиб, улар Жиноят-ижроия кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган истисно ҳамда чеклашлар инобатга олинган ҳолда ҳуқуқ эркинлик ва мажбуриятларга эгадир. Бу мавзунинг ёритишда асосан маҳкумлар қандай ҳуқуқларга эга эканлиги ва уларнинг асосий мажбуриятлари нималардан иборат эканлигини билиш масалаларини талабаларга чуқур етказишдан иборат.

Маъруза натижасида талаба:

- ❖ маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлади;
- ❖ маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли жиноятчиликка қарши кураш бўйича ўз фикрини баён эта олади;
- ❖ ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- ❖ тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади.

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ❖ маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ❖ маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга ошириладиган ислохотлар мазмунини ҳақида тушунча берилади;
- ❖ мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ❖ режа асосида слайдлар ёрдамида мавзуаги асосий ҳолатлар тушунтирилади;
- ❖ мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ❖ муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ❖ зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ❖ асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага яқин ясалади.

Ушбу мавзу билан танишиш фаннинг кейинги мавзуларини ўрганишга тайёрлайди, уларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

3. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолати – бу жазони ижро этишда вужудга келадиган жазонинг тури, мақсади ва маҳкумнинг ҳуқуқ билан боғлиқ бўлган асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисидан иборатдир.

Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатининг асослари – маҳкумлар Жиноят-ижроия кодексида ва бошқа қонунларда белгиланган истисно ҳамда чеклашлар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўлишлари ва мажбуриятларни бажаришлари тушунилади.

Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашувлари – маҳкумларга юридик ёрдам олиш учун адвокатлар билан учрашув маҳкумларнинг ёзма аризаси ёки унинг яқин қариндошлари берган аризаларга кўра берилади. Маҳкумнинг ёки адвокатнинг истагига кўра, уларнинг учрашуви холи тарзда ўтказилади.

Маҳкумларнинг шахсий ҳавфсизлик ҳуқуқи – қамоқ жазосига, интизомий қисмга жўнатиш ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахснинг ҳавфсизлигига таҳдид юзага

келган тақдирда, у ўз шахсий хавфсизлигини таъминлаш ҳақида илтимос билан жазони ижро этувчи муассаса ёки органнинг ҳар қандай мансабдор шахсига мурожаат этишга ҳақли. Маҳкум мурожаат этган мансабдор шахс дарҳол унинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўришга мажбур.

Жазони ижро этувчи муассаса ёки орган бошлиғи маҳкумнинг шахсий хавфсизлигига бўлган таҳдидни бартараф этиш юзасидан зарур чораларни кўради.

Маҳкумнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид мавжудлиги юзасидан мурожаати – маҳкум муассаса маъмуриятига унинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид мавжудлиги ҳақида мурожаат этган, шунингдек, бундай таҳдид мавжудлигини тасдиқловчи асослар мавжуд бўлган ҳолларда, маҳкум муассаса бошлиғининг қарорига асосан унинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида интизомий бўлинмага киритиб қўйилиши мумкин. Мазкур ҳолларда маҳкум интизомий бўлинмага киритиб қўйилгач, муассаса маъмурияти унинг ҳаёти ва соғлиғига бўлаётган таҳдидни бартараф этиш чора-тадбирларни кўради. Олиб борилган чора-тадбирлар ижобий натижа бермай, муваффақиятсиз бўлса, маҳкумни бошқа жазони ижро этиш муассасасига кўчирилиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида асослантирилган хулоса чиқарилади. Хавфсизлигини таъминлаш мақсадида маҳкумнинг интизомий бўлинмага киритиб қўйилиши интизомий жазо деб ҳисобланмайди ва бунда муддати бир ойдан ошиши мумкин эмас.

Маҳкумларнинг виждон эркинлигини таъминлаш – маҳкумларга виждон эркинлиги кафолатланади. Улар ҳар қандай динга эътиқод қилишга ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликка ҳақли.

Қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахслар ҳузурига, уларнинг илтимосига кўра, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган диний бирлашмаларнинг руҳонийлари таклиф этилади. Маҳкумларга диний расм-русмларни адо этишга, ибодат учун керакли нарсалардан ва диний адабиётлардан фойдаланишга рухсат этилади.

Диний расм-русмларни адо этиш ихтиёрий бўлиб, бу нарсасида жазони ижро этувчи муассасанинг ички тартиб қоидаларини бузмаслиги, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситмаслиги лозим.

4. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Маҳкум чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлишлари ҳамда мажбуриятларни бажаришлари лозим.

Маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари муайян жазо турини ижро этиш тартиби ва шартларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Маҳкумларнинг ҳуқуқлари:

- жазони ўташ тартиби ва шартлари тўғрисида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида ахборот олиш;
- жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятига, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига ўз она тилида ёки бошқа тилда таклиф, ариза ва шикоятлар билан мурожаат этиш;
- ўз таклиф, ариза ва шикоятларига мурожаат этилган тилда жавоб олиш. Мурожаат этилган тилда жавоб беришнинг иложи бўлмаган тақдирда жавоб Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида берилади. Жавобни қамоқ жазосига, интизомий қисмга жўнатиш ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс мурожаат этган тилга таржима қилиб бериш жазони ижро этувчи муассаса ёки орган томонидан таъминланади;
- тушунтириш бериш ҳамда ёзишмалар олиб бориш, зарур ҳолларда таржимоннинг хизматидан фойдаланиш;
- ўқув, бадий ва бошқа хил ахборот материалларидан фойдаланиш;
- соғлиғини сақлаш, шу жумладан, тиббий хулосага кўра амбулатория-поликлиника ва стационар шароитда тиббий ёрдам олиш;
- ижтимоий таъминот, шу жумладан, қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия олиш.

Маҳкум ажнабий фуқароларнинг қўшимча ҳуқуқлари – ўз давлатларининг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари билан, Ўзбекистон Республикасида дипломатия ва консуллик муассасалари бўлмаган мамлакатларнинг фуқаролари эса, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган давлатнинг дипломатия ваколатхоналари билан алоқа қилиш.

Маҳкумларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятлари:

Маҳкумлар ўз таклифларини, аризалари ва шикоятларини оғзаки ёки ёзма шаклда, ўз она тилида ёки ўзи биладиган бошқа тилда баён этиши мумкин.

Ёзма таклифлар, аризалар ва шикоятлар кўрсатилган манзилга жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти орқали юборилади. Прокурор номига йўлланган таклифлар, ариза ва шикоятлар цензура қилинмайди ҳамда кўрсатилган манзилга кечи билан бир суткалик муддат ичида юборилади.

Таклифлар, аризалар ва шикоятларни муассаса маъмуриятини четлаб ўтиб, нолегал йўллар билан жўнатиш сақлаш режимини бузишдир.

Маҳкум таклиф, ариза ва шикоятни фақат ўз номидан ҳамда фақат ўз шахсига тааллуқли масалалар юзасидан беради. Шахслар гуруҳи номидан ёки бошқа маҳкумлар учун, шунингдек бошқа шахсларга тааллуқли ҳолатлар юзасидан таклифлар, аризалар ва шикоятлар беришга рухсат этилмайди.

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

1. Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати тушунчаси ва унинг аҳамияти.
2. Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолати билан фуқаролар ҳуқуқий ҳолатлари ўртасидаги фарқ.
3. Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатининг асослари.
4. Маҳкумларнинг жазони ижро этиш муассасаси ёки орган маъмуриятига бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига мурожаат этиш ҳуқуқлари.
5. Маҳкумларнинг меҳнат қилиш ва таъминот олиш ҳуқуқлари.
6. Маҳкумларнинг соғлиғини сақлаш, шу жумладан тиббий хулосага кўра амбулатория-поликлиника ва стационар шароитда тиббий, ҳуқуқий ёрдам олиш ҳуқуқларини таъминлаш.
7. Маҳкумларнинг шахсий хавфсизлик ҳуқуқлари.
8. Маҳкумларнинг виждон эркинлиги ва уни таъминлаш. Маҳкумларнинг асосий мажбуриятлари ва уни таъминлаш.
9. Маҳкумларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро ҳуқуқ нормаларининг жиноят-ижроия қонунларига имплементация қилиниши.

6. МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:

1-масала.

Маҳкумларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида маълумот беринг.

2-масала.

Жиноят-ижроия Кодекси қабул қилингандан то ҳозирга қадар маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатига оид Кодексга киритилган ўзгартириш ва ўзгартиришларни изоҳлаб беринг.

7. МУСТАҚИЛ Ўқиш учун адабиётлар:

1. Жиноят-ижроия ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир-ю.ф.н., доц. Б.Ж.Ахроров. –Т.: Ўқитувчи, 2002. – 208б.
2. Жиноят-ижроия кодексига шарҳлар. Рустамбоев М.Х., Ахроров Б.Ж. ва бошқалар. Маъсул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 574 б.
3. Комментарий к Исправительно-трудовому кодексу Республики Узбекистан. –Т.: Узбекистан, 1997.- 345с.
4. Абдухалиқов М.А., Пайзуллаев Қ., Абдуқодиров Ш.Ё. Жиноят -ижроия ҳуқуқи (альбом схемалар). –Т.: ТДЮИ, 2005. – 142 б.

“ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ”

Маъруза мавзуси: Жазоларни ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар. Улар фаолиятини текшириш ва назорат қилиш. (3-мавзу)

Маърузачи: Ғ.Эрматов

1. МАЪРУЗА НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади: Жазоларни ижро этувчи муассасалар ва органлар, бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар фаолияти, ваколатлари ва уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан текширилиши, прокурор назорати, жазони ўташ жойларига кириш масалаларини талабаларга чуқур етказишдан иборат.

Маъруза натижасида талаба:

- ❖ маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлади;
- ❖ маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли жиноятчиликка қарши кураш бўйича ўз фикрини баён эта олади;
- ❖ ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- ❖ тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади.

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ❖ маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ❖ маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмунини ҳақида тушунча берилади;
- ❖ мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ❖ режа асосида слайдлар ёрдамида мавзуаги асосий ҳолатлар тушунтирилади;
- ❖ мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ❖ муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ❖ зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ❖ асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага яқун ясалади.

Ушбу мавзу билан танишиш фаннинг кейинги мавзуларини ўрганишга тайёрлайди, уларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

3. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Жазоларни ижро этувчи муассасалар ва органлар:

Жарима тариқасидаги жазо - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан ижро этилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси - ички ишлар органлари томонидан ижро этилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш - муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳукм талаби маҳкумнинг иш жойидаги маъмурият томонидан, шунингдек тегишли фаолият турлари билан шуғулланишга берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органлар томонидан ижро этилади.

Ҳарбий хизматчиларга нисбатан:

хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазо – ҳарбий хизматчи хизматни ўтаётган жойдаги ҳарбий қисмларнинг (муассасаларнинг) қўмондонлиги томонидан;

қамоқ тариқасидаги жазо – гарнизон гауптвахталари томонидан;

интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазо – махсус ташкил этилган ҳарбий қисмлар томонидан ижро этилади.

Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо мазкур унвонни берган орган томонидан ижро этилади.

Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар:

Шартли ҳукм қилинган шахсларнинг ҳуқ-атвори устидан назорат ички ишлар органлари, ҳарбий хизматчиларга нисбатан эса - улар хизматни ўтаётган жойдаги ҳарбий қисмлар (муассасалар) қўмондонлиги томонидан амалга оширилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари:

- ижтимоий ҳавфли қилмиш содир этган руҳий касалларга нисбатан – соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан;
- алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан маҳкумларга нисбатан – соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан, улар озодликдан маҳрум этиш ёки қамоққа ҳукм қилинган тақдирда эса – ички ишлар органларининг тиббий муассасалари томонидан ижро этилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига қўйидагилар қиради:

- а) мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва руҳий касаллик мутахассисида даволаниш;
- б) умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш;
- в) умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасининг соғлиқни тиклаш махсус бўлимида мажбурий даволаниш;
- г) кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлинмасида мажбурий даволаниш (*Ўзбекистон Республикаси ЖК 93-модда*).

4. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан текшириш – давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари жазоларни ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда текширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқиб жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар фаолиятини қўйидагилар назорат қилиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикасининг Президенти;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман);
- Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқалар.

Прокурор назорати – жазоларни ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар қонунда белгиланган тартибда амалга оширадиган фаолияти.

Прокурорнинг назорат қилиш предмети қўйидагилар ҳисобланади:

- ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этувчи муассасаларда шахслар сақланишининг қонунийлиги;
- ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш тартиби ва шароитлари ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши;
- ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар, маҳкумларнинг, шунингдек жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари қўлланилган шахсларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларига риоя этилиши;

- жиноят-ижроия қонун ҳужжатларини қўллаётган орган ва муассасалар, мансабдор шахслар фаолиятида қонун ҳужжатларига риоя этилиши.

Ваколатли субъектларнинг жазони ўташ жойларига кириши – давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқа шахслар жазони ижро этувчи муассасалар ва органларга кириш ҳуқуқи тушунилади.

Шикоятларни кўриб чиқишда, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз таъаббуси билан текширишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга.

Жазони ижро этувчи муассасалар ва органларга кириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Маҳкумларнинг кино, фото, видеотасвирга тушириш ва улардан интервью олишга уларнинг ёзма розилиги бўлган тақдирда, маҳкумлар хавфсизлигини ва қўриқланишини таъминловчи объектларни тасвирга олишга эса, жазони ижро этувчи муассаса ёки орган рухсати бўлган тақдирда йўл қўйилади.

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

1. Жазоларни ижро этувчи муассасалар ва органлар.
2. Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар.
3. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан текшириш.
4. Прокурор назорати.
5. Жазони ўташ жойларига кириш.

6. МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:

1-масала.

Маҳкумнинг конституциявий-ҳуқуқий ҳолати тўғрисида маълумот беринг.

2-масала.

Жазони ижро этувчи муассасалар ва органлар тўғрисида маълумот беринг.

7. МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

1. Жиноят-ижроия ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир-ю.ф.н., доц. Б.Ж.Ахроров. –Т.: Ўқитувчи, 2002. – 208б.
2. Жиноят-ижроия кодексига шарҳлар. Рустамбоев М.Ҳ., Ахроров Б.Ж. ва бошқалар. Маъсул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 574 б.
3. Комментарий к Исправительно-трудовому кодексу Республики Узбекистан. –Т.: Узбекистан, 1997.- 345с.
4. Абдухалиқов М.А., Пайзуллаев Қ., Абдуқодиров Ш.Ё. Жиноят -ижроия ҳуқуқи (альбом схемалар). –Т.: ТДЮИ, 2005. – 142 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни, 2001 йил 29 август, 257-II-сон
6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2001 йил 8 майдаги 118-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидалари”

“ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ”

Маъруза мавзуси: Жарима, муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари ва қамоқ тариқасидаги жазоларни ижро этиш. (4-мавзу)

Маърузачи: Ғ.Эрматов

1. МАЪРУЗА НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади: Жарима жазоси ва уни ижро этиш тушунчаси, уни ким тайинлайди, унинг миқдори қанча, уни ижро этиш тартиби, жарима жазосини тўлашдан бўйин товлаш оқибатлари, муддатни узайтириш ёки қисмларга бўлиб-бўлиб тўлаш тартиби, қандай жазолар билан алмаштириш мумкинлиги, ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо ҳисобланиш муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш тартибини очиш, унинг муддати, қайси давлат органи томонидан ижроси амалга оширилади, бу органнинг яъни инспекциянинг мажбуриятлари, маҳкумнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазони кўриб чиқишда бу жазонинг қайси жазо турига кириши жазони ўташ жойлари, жазони ижро этиш инспекциясининг мажбуриятлари, маҳкумнинг мажбуриятлари, жазо муддатини ҳисоблаш, унинг, яъни маҳкумнинг иш ҳақидан чегириб қолиш тартиби, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича қамоқ жазосини ижро этиш муассасалари, маҳкумларни сақлаш шартлари, уларга бериладиган имтиёзлар, учрашув, посилкалар, уларни меҳнатга жалб этиш ишлари, маҳкумларга нисбатан қўлланиладиган рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари, уларни бир жойдан иккинчи жойга ўтказиш шартлари ва сабаблари, қамоқ жазосига қандай альтернативлар жорий этилиши, бу борадаги чет мамлакатлар қонунчилиги масалаларини талабаларга чуқур етказишдан иборат.

Маъруза натижасида талаба:

- ❖ маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлади;
- ❖ маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли жиноятчиликка қарши кураш бўйича ўз фикрини баён эта олади;
- ❖ ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- ❖ тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади.

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ❖ маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ❖ маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга ошириладиган ислохотлар мазмунини ҳақида тушунча берилади;
- ❖ мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ❖ режа асосида слайдлар ёрдамида мавзуаги асосий ҳолатлар тушунтирилади;
- ❖ мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ❖ муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ❖ зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ❖ асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага яқун ясалади.

Ушбу мавзу билан танишиш фаннинг кейинги мавзуларини ўрганишга тайёрлайди, уларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

3. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Жарима жазоси – маҳкумдан суд ҳукми асосида давлат даромадига ЖКда белгиланган миқдорда пул суммасини ундиришдир. Жарима энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти

юз бараваригача миқдорида белгиланади. Вояга етмаганларга эса энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан йигирма бараваригача миқдорда тайинланади.

Муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш – шахсни муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш суд тайинлаган муддат давомида айбдорнинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашини ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишни тақиқлашдан иборатдир.

Ахлоқ тузатиш ишлари – ахлоқ тузатиш ишлари бу суд ҳукми асосида шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлган фаолиятдир.

Ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Қамоқ жазоси – шахсни батамом ажратган шароит остида сақлашдан иборат бўлиб, бир ойдан олти ойгача муддатга белгиланади, вояга етмаганларга, лекин ўн олти ёшга тўлганларга нисбатан бир ойдан 3 ойгача белгиланиши мумкин.

4. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Жарима жазосини ижро этиш тартиби – жарима тариқасидаги жазога ҳукм қилинган вояга етган шахс жаримани ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида, вояга етмаган шахс эса, олти ой ичида ихтиёрий равишда тўлаши шарт. Жарима жазосини ижро этиш суд ҳукми қонуний кучга кирган куннинг эртаси кунидан бошланади. Бунда суд маҳкумни жаримани тўлаш тартиб-қоидалари билан таништиради, тўлаш муддатларини тушунтиради, тўлов шакли ва тўлашдан бош тортганлик оқибатларини эслатиб ўтади. Агарда маҳкум мана шу муддат мобайнида жаримани ихтиёрий равишда тўламаса, унда жарима жазосини ижро этиш мажбурий ижрога юборилади.

Жарима жазосини ижро этиш асоси – жарима жазосини ижро этиш асоси бўлиб суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ҳисобланади.

Жарима жазосини ижро этувчи орган – жарима жазосини ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментига юкланган.

Муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш – муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижроси маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш жазоси қўшимча жазо сифатида қўлланилганда, асосий жазони ижро этувчи орган томонидан амалга оширилади.

Муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш жазосини ижро этилиши – муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли орган (хайдовчилик гувоҳномасини берувчи давлат йўл ҳаракати хизмати инспекцияси) жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан бошлаб уч кун ичида маҳкум шуғулланиши тақиқланган фаолият тури учун берилган рухсатномани бекор қилиб, тегишли ҳужжатни олиб қўйиши шарт.

Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазосини ижро этиш – ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо ижроси маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Маҳкум доимий яшаш жойига эга бўлмаган тақдирда ҳукмнинг ижроси ҳукм чиқарилган жойдаги жазоларни ижро этиш инспекцияси зиммасига юкланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда ўталади.

Жазони ўз иш жойида ўташ шarti билан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар судлангунга қадар ўзлари ишлаган корхона, муассаса ёки ташкилотда меҳнат фаолиятини давом эттираверадилар.

Жазони бошқа жойларда ўташ шarti билан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар жазоларни ижро этиш инспекцияси белгилаб берадиган корхона, муассаса ва ташкилотларга юборилади. Вояга етмаган маҳкумлар яшаш жойидаги корхона, муассаса ва ташкилотларга юборилади.

Қамоқ жазосини ижро этиш тартиби – қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар жазони ҳукм чиқарилган жойдаги махсус қамоқ уйларида ўтайдилар. Маҳкумлар жазонинг бутун муддатини, одатда, битта қамоқ уйида ўтайдилар.

Маҳкумларни жазони ўташ учун жўнатиш.

Маҳкумлар жазони ўташ учун қамоқ уйларига тергов ҳибсхонаси маъмурияти ҳукм қонуний кучга кирганлиги тўғрисида суд хабарномасини олган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида жўнатилади.

Маҳкумларни қамоқ уйларига жўнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

1. Жарима жазосини ижро этиш тартиби ва уни тўлаш муддатлари.
2. Жаримани тўлашдан бўйин товлаш оқибатлари.
3. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жарима жазосининг қўлланилишидаги ўзгаришлар.
4. Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазони ижро этиш тартиби ва ахлоқ тузатиш ишлари муддатини ҳисоблаш.
5. Маҳкумларнинг иш ҳақидан давлат ҳисобига чегириб қолиш тартиби ва шартлари.
6. Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазони ўташдан бўйин товлаш оқибатлари.
7. Қамоқ жазосини ижро этиш тартиби, шартлари ва қамоқ жазосини ижро этиш муассасалари.
8. Маҳкумларни махсус қамоқ уйларига жўнатиш тартиби.
9. Маҳкумларни сақлаш шароитлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш.
10. Маҳкумларнинг учрашувлари ва уларнинг телефон орқали сўзлашувлари
11. Маҳкумларнинг посилкалар, йўқловлар, бандероллар ва пул жўнатмаларини олиш ҳамда юбориши ва уларнинг ёзишмалари.
12. Маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти ва уларга тиббий хизмат кўрсатиш.
13. Маҳкумларни меҳнатга жалб этиш ва маҳкумлар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар.
14. Қамоқ уйларида маҳкумларга нисбатан қўлланиладиган рағбатлантириш ёки интизомий жазо чораларини қўллаш.

6. МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:

1-масала.

Жаримани тўлашдан бўйин товлаш оқибатларини айтиб беринг.

2-масала.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси қўшимча жазо тури сифатида қўлланилганда, унинг муддатини ҳисоблаш тартибини асослаб беринг.

7. МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

1. Жиноят-ижроия ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир-ю.ф.н., доц. Б.Ж.Ахроров. –Т.: Ўқитувчи, 2002. – 208б.
2. Жиноят-ижроия кодексига шарҳлар. Рустамбоев М.Ҳ., Ахроров Б.Ж. ва бошқалар. Маъсул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 574 б.
3. Комментарий к Исправительно-трудовому кодексу Республики Узбекистан. –Т.: Узбекистан, 1997.- 345с.
4. Абдухалиқов М.А., Пайзуллаев Қ., Абдуқодиров Ш.Ё. Жиноят -ижроия ҳуқуқи (альбом схемалар). –Т.: ТДЮИ, 2005. – 142 б.

“ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ХУҚУҚИ”

Маъруза мавзуси: Қамоқ тариқасидаги жазони ижро этиш. (5-мавзу)

Маърузачи: Ғ.Эрматов

1. МАЪРУЗА НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади: қамоқ жазоси ва уни ижро этиш тушунчаси, муддати, ижро этиш тартиби, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича қамоқ жазосини ижро этиш муассасалари, маҳкумларни сақлаш шартлари, уларга бериладиган имтиёзлар, учрашув, посилкалар, уларни меҳнатга жалб этиш ишлари, маҳкумларга нисбатан қўлланиладиган рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари, уларни бир жойдан иккинчи жойга ўтказиш шартлари ва сабаблари, қамоқ жазосига қандай альтернативлар жорий этилиши, бу борадаги чет мамлакатлар қонунчилиги масалаларини талабаларга чуқур етказишдан иборат.

Маъруза натижасида талаба:

- ❖ маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлади;
- ❖ маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли жиноятчиликка қарши кураш бўйича ўз фикрини баён эта олади;
- ❖ ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- ❖ тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади.

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ❖ маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ❖ маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга ошириладиган ислохотлар мазмунини ҳақида тушунча берилади;
- ❖ мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ❖ режа асосида слайдлар ёрдамида мавзуаги асосий ҳолатлар тушунтирилади;
- ❖ мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ❖ муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ❖ зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ❖ асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага якун ясалади.

Ушбу мавзу билан танишиш фаннинг кейинги мавзуларини ўрганишга тайёрлайди, уларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

3. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Қамоқ жазоси – шахсни батамом ажратган шароит остида сақлашдан иборат бўлиб, бир ойдан олти ойгача муддатга белгиланади, вояга етмаганларга, лекин ўн олти ёшга тўлганларга нисбатан бир ойдан 3 ойгача белгиланиши мумкин.

Қамоқ жазосини ижро этиш тартиби – қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар жазони ҳукм чиқарилган жойдаги махсус қамоқ уйларида ўтайдилар. Маҳкумлар жазонинг бутун муддатини, одатда, битта қамоқ уйида ўтайдилар.

Маҳкумларни жазони ўташ учун жўнатиш.

Маҳкумлар жазони ўташ учун қамоқ уйларига тергов ҳибсхонаси маъмурияти ҳукм қонуний кучга кирганлиги тўғрисида суд хабарномасини олган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида жўнатилади.

Маҳкумларни қамоқ уйларида жўнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Маҳкумларни сақлаш шароитлари – қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар икки кишилик, тўрт кишилик ёки умумий камераларда сақланадилар. Биринчи марта қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар илгари қамоқ ёки озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаган шахслардан алоҳида сақланади.

Маҳкумлар фуқаролик намунасидаги кийимда юрадилар. Маҳкумларга ҳар куни муддати бир соатлик, вояга етмаганлар, ҳомиладор аёллар ва боласи бор аёлларга эса - бир ярим соатлик сайр қилиш имконияти берилади.

Маҳкумларга учрашувлар, телефон орқали сўзлашувлар, посилкалар олиш, озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш рухсат этилмайди, ушбу бобда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш – қамоқ жазосига ҳукм қилинган, даволанишга ва кучли овқатга муҳтож маҳкумларга тиббий хулоса асосида уларнинг шахсий ҳисобварағидаги маблағлардан озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга рухсат этилади.

Маҳкумлар энг зарур нарсаларни пул ўтказиш йўли билан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг ўттиз фоизидан ошмайдиган суммага сотиб олишлари мумкин.

3. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Маҳкумларнинг учрашувлари – вояга етмаган маҳкумларга яқин қариндошлари билан ҳар ойда бир марта муддати уч соатгача бўлган қисқа муддатли учрашув имконияти берилади.

Маҳкумларнинг телефон орқали сўзлашувлари – қамоқ жазосини ўтаётганларга алоҳида ҳолларда, жумладан, оғир касалликка учраганда, оғир операция қилиш зарурати бўлганда, қариндошларидан вафот этганида, яқин қариндошлардан бирининг ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилганида, чет давлатга узоқ муддатга кетаётганда ва ҳоказо ҳолатларда телефон орқали сўзлашувга рухсат берилиш мумкин. Бундай вақтларда телефон орқали сўзлашув ҳам қамоқ уйи ходимининг назорати остида ва махсус телефон тармоғи мавжуд бўлганидагина йўл қўйилиши мумкин.

Қамоқ уйидан ташқарида телефон орқали сўзлашишларга рухсат берилмайди. Телефон орқали сўзлашувлар маҳкумнинг ҳисоб рақамидаги маблағи ҳисобига рухсат берилиши мумкин.

Посилкалар, йўқловлар, бандероллар ва пул жўнатмала-рини олиш ҳамда юбориш – қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар энг зарур нарсалардан иборат битта бандерол ёки йўқлов олиш ҳуқуқига эга. Олишга рухсат этилган энг зарур нарсалар рўйхати ички тартиб қоидалари билан белгиланади. Маҳкума ҳомиладор аёллар ва ёнида боласи бор аёлларга, шунингдек шифокорнинг хулосасига кўра даволанишга ва кучли овқат билан таъминланишга муҳтож деб топилган беморларга, тиббий хулосада белгилаб берилган миқдорда ва турда посилкалар ҳамда йўқловлар олишга рухсат этилади. Маҳкумларга пул жўнатмалари олиш ва юборишга, шунингдек посилкалар ва бандероллар жўнатишга рухсат этилади. Жўнатма тарзида келиб тушган пул маблағлари маҳкумнинг шахсий ҳисобварағига ўтказиб қўйилади.

Маҳкумларнинг ёзишмалари – қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар чекланмаган миқдорда хат олишлари ва жўнатишлари мумкин. Маҳкумларнинг ёзишмалари цензурадан ўтказилади.

Маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти ва уларга тиббий хизмат кўрсатиш – маҳкумларнинг моддий – маиший ва тиббий таъминоти белгиланган тартибда олиб борилади. Бир маҳкумга тўғри келадиган яшаш майдони нормаси икки ярим квадрат метрдан кам бўлмаслиги керак.

Маҳкумларга ётиш учун алоҳида жой, кўрпа-тўшак, чойшаб ва белгиланган нормада озиқ-овқат берилади. Қамоқ уйининг камералари радио эшиттириш тармоғи билан жиҳозланади, маҳкумларга стол устидаги ўйинлар, газета ва журналлар ўқишга берилади, улар кутубхонадан ҳам фойдаланиш ҳуқуқига эга. Маҳкумларга бўш вақтлари кўп бўлганлиги туфайли мустақил равишда билимларини оширишга, ҳунар ўрганишга қаршилиқ қилинмайди.

Маҳкумларни меҳнатга жалб этиш – маҳкумлар қамоқ жазосида мажбурий меҳнатга жалб қилинмайдилар. Улардан фақат қамоқ уйининг хўжалик хизматида оид ишларга ҳафтасига 4

соатгача бўлган муддатга ҳақ тўланмаган ҳолда жалб этилиши мумкин, лекин бундай ишларга ҳам маҳкумлар навбатма-навбат жалб қилинади.

Маҳкумларга нисбатан қўлланиладиган рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари.

Маҳкумларга яхши хулқ-атвори учун қамоқ уйларида қуйидаги рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин:

- ташаккур эълон қилиш;
- илгари қўлланилган интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш;
- ҳар кунги сайр вақтини бир соатга кўпайтириш.

Жазони ўташ тартибини бузганлиги учун маҳкумларга қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин: огоҳлантириш; ҳайфсан; ўн суткагача бўлган муддатга, аёллар ва вояга етмаганларни эса – етти суткагача бўлган муддатга карцерга киритиб қўйиш; ҳар кунги сайрнинг рағбатлантириш тариқасида кўпайтирилган муддатини бекор қилиш. Қамоқ жазоси ўтаётган маҳкумларга турма қамоғи қоидалари жорий қилинади. Моддий таъминот ва маиший аҳвол ҳам айнан турма қамоғи шароити асосида ташкил этилади.

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

1. Жазони ижро этиш муассасалари.
2. Маҳкумларни жазони ўташ учун жўнатиш
3. Маҳкумларни сақлаш шароитлари.
4. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш.
5. Маҳкумларнинг учрашувлари.
6. Маҳкумларнинг телефон орқали сўзлашувлари.
7. Посилкалар, йўқловлар, бандероллар ва пул жўнатмаларини олиш ҳамда жўнатиш.
8. Маҳкумларнинг ёзишмалари.
9. Маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти ва уларга тиббий хизмат кўрсатиш.
10. Маҳкумларни меҳнатга жалб этиш.
11. Маҳкумлар билан олиб бориладиган тарбиявий иш.
12. Маҳкумларга нисбатан қўлланиладиган рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари.

6. МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:

1-масала.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг “Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидалари тўғрисида”ги 2001 йил 20 май 20-сонли буйруғига асосан маҳкумларга нисбатан қўлланиладиган рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари тўғрисида маълумот беринг.

2-масала.

Жазони ижро этиш муассасаларини бир-биридан фарқларини изоҳлаб беринг.

7. МУСТАҚИЛ Ўқиш учун адабиётлар:

1. Жиноят-ижроия ҳукуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир-ю.ф.н., доц. Б.Ж.Ахроров. –Т.: Ўқитувчи, 2002. – 208б.
2. Жиноят-ижроия кодексига шарҳлар. Рустамбоев М.Ҳ., Ахроров Б.Ж. ва бошқалар. Маъсул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 574 б.
3. Комментарий к Исправительно-трудовому кодексу Республики Узбекистан. –Т.: Узбекистан, 1997.- 345с.
4. Абдухалиқов М.А., Пайзуллаев Қ., Абдуқодиров Ш.Ё. Жиноят -ижроия ҳукуқи (альбом схемалар). –Т.: ТДЮИ, 2005. – 142 б.

“ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ”

Маъруза мавзуси: Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш. (6-мавзу)

Маърузачи: Ғ.Эрматов

1. МАЪРУЗА НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади: Бу жазо ижросини ташкил этиш қандай махсус қонунчилик, норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади, ижро этиш тартиби, маҳкумларни жазони ўташ тартиби ким томонидан белгиланади, Озодликни чеклаш кимларга нисбатан қўлланилади, кимларга нисбатан қўлланилмайди каби масалаларини талабаларга чуқур етказишдан иборат.

Маъруза натижасида талаба:

- ❖ маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлади;
- ❖ маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли жиноятчиликка қарши кураш бўйича ўз фикрини баён эта олади;
- ❖ ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- ❖ тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади.

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ❖ маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ❖ маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга ошириладиган ислохотлар мазмунини ҳақида тушунча берилади;
- ❖ мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ❖ режа асосида слайдлар ёрдамида мавзуаги асосий ҳолатлар тушунтирилади;
- ❖ мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ❖ муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ❖ зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ❖ асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага яқун ясалади.

Ушбу мавзу билан танишиш фаннинг кейинги мавзуларини ўрганишга тайёрлайди, уларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

3. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Озодликни чеклаш – Озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарқ этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат.

Озодликни чеклаш олти ойдан беш йилгача муддатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади. Озодликни чеклаш, уни маҳкумнинг яшаш жойида ўташ шартлари содир этилган қилмишнинг хусусияти ва суд чиқарган қарорни ижро этишдан бўйин товлашнинг олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади.

Озодликни чеклаш вояга етмаган маҳкумларга нисбатан асосий жазо чораси сифатида олти ойдан икки йилгача муддатга тайинланади.

Жазони ижро этиш тартиби – Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан ёки суд белгилайдиган, маҳкумларнинг суд белгилаган тақиқларга (чеклашларга) риоя этиши устидан назоратни амалга оширадиган бошқа орган томонидан амалга оширилади.

3. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Озодликни чеклаш муддатини ҳисоблаш – Озодликни чеклаш муддати маҳкум жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Маҳкум узрли сабабларсиз ўзбошимчалик билан яшаш жойида бўлмаган вақти озодликни чеклаш муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ тартиби – Озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс суд томонидан белгиланган тақиқларга (чеклашларга) риоя этиши, шунингдек ўзининг жазони ўташи билан боғлиқ масалалар бўйича оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар бериш учун чақирув бўйича жазоларни ижро этиш инспекциясига келиши шарт.

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсга нисбатан электрон кузатув воситалари қўлланилиши мумкин.

Муайян вақтда яшаш жойидан кетишга, тегишли маъмурий ҳудуд доирасида жойлашган маълум жойларга боришга ёхуд тегишли маъмурий ҳудуд доирасидан чиқиш учун рухсатнома, шунингдек яшаш жойини ўзгартириш учун рухсатнома жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан берилади. Қарор тақиқларнинг (чеклашларнинг) хусусиятидан, маҳкумнинг шахсидан, унинг ҳулқ-атворидан, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлигидан келиб чиқиб, алоҳида ҳолларда қабул қилинади.

Уй-жойидан чиқиб кетишига бутунлай тақиқ белгиланган маҳкумнинг доимий яшаш жойидан кетиши учун рухсатномага, маҳкумнинг тегишли маъмурий ҳудуд доирасидан чиқиши учун рухсатномага, шунингдек маҳкумнинг яшаш жойини ўзгартириши учун рухсатномага прокурор томонидан санкция берилади.

Агар озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етгани, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказган моддий ва маънавий зарарининг ўрнини қоплаган бўлса, жазоларни ижро этиш инспекцияси илгари маҳкумга белгиланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритади.

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ тартиби ва шартларини бузганлик учун жавобгарлик – Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ тартиби ва шартлари маҳкум томонидан бузилганлиги учун жазоларни ижро этиш инспекцияси унга нисбатан огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо чорасини қўллайди.

Маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, жазоларни ижро этиш инспекцияси судга маҳкум учун озодликни чеклашнинг ўталмаган муддатини жазонинг бошқа турига алмаштириш ҳақида тақдимнома киритади.

Қуйидагилар озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлочилар деб эътироф этилади:

а) ўзига нисбатан суд томонидан белгиланган тақиқларни (чеклашларни) бузишга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида огоҳлантириш тарзида интизомий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида жазони ўташ тартиби ва шартларини бузишга йўл қўйган маҳкум;

б) ўзига нисбатан техник назорат воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузган маҳкум;

в) яшаш жойидан яширинган, қаерда эканлиги уч суткадан ортиқ вақт ичида аниқланмаган маҳкум;

г) яшаш жойидаги жазоларни ижро этиш инспекциясига белгиланган муддатдан уч суткадан ортиқ вақт мобайнида келмаган маҳкум.

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

1. Озодликни чеклаш жазосини ижро этиш асослари.
2. Озодликни чеклаш жазосини ижро этиш тартиби.
3. Озодликни чеклаш жазосини муддатларини ҳисоблаш тартиби.
4. Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ тартиби.
5. Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташни назорат қилувчи органлар.
6. Озодликни чеклаш жойларида жазо ижросини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.

7. Озодликдан чекланганларни ажратилган ҳолда сақлаш.
8. Маҳкумларни сақлаш шароитини интизомий жазо тарзида ўзгартириш тартиби.

6. МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:

1-масала

Суд вояга етган Ж.га Озодликни чеклаш жазосини тайинлаб, унинг ўта тарбиясизлигини инобатга олиб тарбия колонияларида жазони ўташини белгилади.

Савол: Суднинг ҳаракати қонунийми?

Озодликни чеклаш жазосини вояга етмаганларга қўланилиш тартибини тушунтиринг?

2-масала

Озодликни чеклаш жазоси қўлланилган фуқаро С. Интернет тармоқларига кириш тақиқланганлигига қарамай ундан фойдаланганлиги аниқланди..

Савол: С.нинг ҳаракатлари қонунийми? Унга нисбатан қандай чора қўланилади?

5-масала

Биринчи марта озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган маҳкум Г. Ушбу жазони ўтаб бўлганидан сўнг янги жиноят содир қилди унга нисбатан суд иккинчи марта ушбу жазо турини қўллаб бўлмаслигини таъкидлаб озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллади.

Савол: Суднинг ҳаракати қонунийми? Бир маротаба озодликни чеклаш жазоси қўлланган шахсга яна ушбу жазо чораси қўллаш мумкинми муҳокама қилинг.

7. МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

1. Жиноят ижроия кодексига шарҳ. Масъул муҳаррир: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари Б.Н.Курбанов. – Т., 2015. - 462 бет.

“ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ”

Маъруза мавзуси: Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини ташкил қилиш ва жазони ижро этиш муассасалари. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини ташкил этиш. (7-мавзу)

Маърузачи: Ғ.Эрматов

1. МАЪРУЗА НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади: Бу жазо ижросини ташкил этиш қандай махсус қонунчилик, норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади, ижро этиш муассасаларининг тузилиши, маҳкумларни жазони ўташ учун жўнатиш тартиби ким томонидан белгиланади, янги келган маҳкумларни қабул қилиш тартиби, умуман Ўзбекистон Республикасида қандай жазони ижро этиш муассасалари мавжуд, ҳар бир турини изоҳлаб, бир-биридан фарқлари масалаларини талабаларга чуқур етказишдан иборат.

Маъруза натижасида талаба:

- ❖ маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлади;
- ❖ маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли жиноятчиликка қарши кураш бўйича ўз фикрини баён эта олади;
- ❖ ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- ❖ тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади.

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ❖ маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ❖ маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга ошириладиган ислохотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- ❖ мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ❖ режа асосида слайдлар ёрдамида мавзуаги асосий ҳолатлар тушунтирилади;
- ❖ мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ❖ муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ❖ зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ❖ асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага яқун ясалади.

Ушбу мавзу билан танишиш фаннинг кейинги мавзуларини ўрганишга тайёрлайди, уларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

3. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Жазони ижро этиш муассасалари – жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари ва турмалар, шунингдек, суд ҳукми асосида озодликдан маҳрум қилиниб, улар қонуний кучга кирганидан сўнг хўжалик хизматида оид ишларни бажариш учун қолдирилган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш вазифасини бажараётган тергов ҳибсхоналари.

Жазони ижро этиш колониялари – манзил колонияларга, умумий, қаттиқ, махсус тартибли колонияларга бўлинган ҳамда вояга етган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган жазони ижро этиш жойлари.

3. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Жазони ижро этиш колонияларининг шакли	
маҳкумлар қўриқлов ва назорат остида сақланадиган ёпиқ турдаги колониялар	маҳкумлар соқчисиз, аммо назорат остида сақланадиган ярим очик турдаги колониялар

умумий тартибли колониялар қаттиқ тартибли колониялар махсус тартибли колониялар	манзил колониялар
--	-------------------

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

9. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш асослари ва тартиби.
10. Жазони ижро этиш муассасалари турлари.
11. Манзил-колониялари тушунчаси ва турлари.
12. Умумий тартибли колониялар.
13. Қаттиқ тартибли колониялар.
14. Махсус тартибли колониялар.
15. Тарбия колониялари.
16. Турмалар.
17. Озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо ижросини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.
18. Маҳкумларни жазони ўташ учун жўнатиш, маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларига қабул қилиш тартиби.
19. Маҳкумлар жазони ўташ учун жўнатилганлиги ва етиб келганлиги тўғрисида хабар.
20. Маҳкумларни ажратилган ҳолда сақлаш.
21. Турли тоифадаги маҳкумларни бирга сақлаш.
22. Маҳкумларни кўчириш.
23. Маҳкумларни сақлаш шароитини рағбатлантириш тарзида енгиллаштириш тартиби.
24. Маҳкумларни сақлаш шароитини интизомий жазо тарзида ўзгартириш тартиби.
25. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан озодликдан маҳрум қилиш жазосининг қўлланилишидаги ўзгаришлар.

6. МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:

1-масала

Суд вояга етган Р.га озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, унинг ўта тарбиясизлигини инобатга олиб кучайтирилган тартибдаги тарбия колонияларида жазони ўташини белгилади.

Савол: Суднинг ҳаракати қонунийми?

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этувчи муассасалар турларини тушунтиринг?

2-масала

17 ёшида жиноят содир қилган Ф. 3 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, жазони тарбия колониясида ўташлиги белгиланди. Жазони ўташ давомида Ф. вояга етган бўлса-да, у то жазодан озод қилингунга қадар тарбия колониясида олиб қолинди.

Савол: Тарбия колониясининг ҳаракатлари қонунийми? Тарбия колониясида маҳкумлар неча ёшгача олиб қолинади?

3-масала

3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган маҳкум С. жазони ўташ учун турмага юборилади. Лекин, маҳкумнинг ҳимоячиси суднинг ҳукмига қарши чиқиб, ўз ҳимоясида бўлган шахсни жазони ўташ учун турмага юбориш ноқонуний эканлигини таъкидлади.

Савол: Ҳимоячининг эътирози ўринлими? Қандай маҳкумлар жазони ўташ учун турмага юборилади?

4-масала

Қасддан содир этилган оғир жинояти учун биринчи марта ҳукм қилинган шахс хўжалик хизматида оид ишларни бажариш учун тергов ҳибсхонасига олиб қолинди. Лекин, маҳкум бунга

норозилик билдирди. Маҳкумнинг ҳимоячиси тергов ҳибсхонаси маъмурияти–нинг бунга ҳаққи йўқлигини билдирди.

Савол: Ҳимоячининг эътирози ўринлими? Қандай маҳкумлар жазони ўташ учун тергов ҳибсхонасига олиб қолинади? Тергов ҳибсхонасига олиб қолиш учун маҳкумнинг розилиги талаб қилинадими?

5-масала

Биринчи марта озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган маҳкумалар Н. К. Г.лар жазони ижро этиш колонияси маъмурияти томонидан эркаклар сақланадиган колонияга жойлаштирилди. Маҳкумалар ҳимоячиси бунга эътироз билдирганида, аёллар сақланадиган колонияда умуман жой йўқлиги ва жой бўшаганида маҳкумалар аёллар колониясига ўтказилишини таъкидлади.

Савол: Жазони ижро этиш колонияси маъмуриятининг ҳаракатлари қонунийми?

6-масала

Ўта оғир жиноятни биринчи марта содир этган О. жазони ўташ учун қаттиқ тартибли колонияга юборилди. Лекин, жазони ижро этиш колонияси маъмурияти маҳкум қаттиқ тартибли эмас, умумий тартибли колонияга юборилиши кераклигини билдириб, маҳкумни қабул қилмади ва тергов ҳибсхонасига қайтариб юборди.

Савол: Жазони ижро этиш колонияси маъмуриятининг ҳаракатлари қонунийми?

7. МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

2. Жиноят-ижроия ҳукуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир-ю.ф.н., доц. Б.Ж.Ахроров. –Т.: Ўқитувчи, 2002. – 208б.
3. Жиноят-ижроия кодексига шарҳлар. Рустамбоев М.Ҳ., Ахроров Б.Ж. ва бошқалар. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 574 б.
4. Комментарий к Исправительно-трудовому кодексу Республики Узбекистан. – Т.: Узбекистан, 1997.- 345с.
5. Абдухалиқов М.А., Пайзуллаев Қ., Абдуқодиров Ш.Ё. Жиноят -ижроия ҳукуқи (альбом схемалар). –Т.: ТДЮИ, 2005. – 142 б.

“ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ”

Маъруза мавзуси: Жазони ижро этиш муассасаларида режим. (8-мавзу)

Маърузачи: Ғ.Эрматов

1. МАЪРУЗА НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади: Жазони ижро этиш муассасаларида режим тушунчаси, унинг функциялари, жазони ижро этиш жойларида режимнинг асосий талаблари, жазони ижро этиш муассасада режимни ижросини таъминлаш усуллари, маҳкумларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ишлатиш, қўл кишанларини (наручник) тақиш шартлари, тинчлантириш кўйлагини қўллаш, рағбатлантириш ва жазолаш чоралари, ўқотар куролларни қўллаш тартиби, тинтув ва кўздан кечириш тартиблари,

маҳкумга берилган ҳуқуқлар, яъни, қисқа ва узоқ муддатли учрашувлар олиш, маҳкумларнинг телефон орқали сўзлашувлари, зарур нарсаларни сотиб олиши, посилкалар олиши, хат ва телеграммалар олиш ҳуқуқи, соқчиларсиз ва кузатувчиларсиз юриши, қисқа муддатли муассасадан четга чиқиши ҳуқуқи масалаларини талабаларга чуқур етказишдан иборат.

Маъруза натижасида талаба:

- ❖ маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлади;
- ❖ маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли жиноятчиликка қарши кураш бўйича ўз фикрини баён эта олади;
- ❖ ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- ❖ тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади.

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ❖ маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ❖ маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмунини ҳақида тушунча берилади;
- ❖ мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ❖ режа асосида слайдлар ёрдамида мавзуаги асосий ҳолатлар тушунтирилади;
- ❖ мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ❖ муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ❖ зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ❖ асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага якун ясалади.

Ушбу мавзу билан танишиш фаннинг кейинги мавзуларини ўрганишга тайёрлайди, уларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

3. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Жазони ижро этиш муассасаларида режим деганда – маҳкумларни ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўрнатилган мажбуриятларни бажарилишини назорат қилиш, маҳкум ва муассаса маъмуриятининг шахсий хавфсизлигини таъминлаш, ўқ-отар курол қўллаш асослари, маҳкумларнинг ҳуқуқларини амалга оширишни таъминловчи ва жазони ижро этиш ёки ўташдан келиб чиқадиган, қонун билан ўрнатилган ва тегишли норматив ҳужжатларга мос келадиган тартибдир.

Маҳкумнинг жазони ўташ шароитининг ўзгартирилиши деганда ҳам режимнинг ўзгарганлиги тушунилади. Қонунга биноан, маҳкумни жазони ўташ жараёнида турма қамоғини жазони ўташ колонияларига, умумий ёки қаттиқ тартибли колония ўрнига манзил- колонияларига

ўтказиш мумкинлиги белгиланган. Бундай ўзгариш, асосан, режимнинг ўзгартирилганлигини англатади.

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни кийим билан таъминлаш тартиби – жазони ижро этиш муассасаларида, манзил-колонияларни истисно этганда, маҳкумлар белгиланган намунада кийим киядилар. Кийимнинг кўриниши Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

4. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Жазони ижро этиш муассасаларида режимнинг қуйидаги хусусиятларини ажратиш мумкин: жазолаш, тарбиялаш, режимни таъминловчи хусусияти ва ижтимоий назорат каби хусусиятлар.

Режимнинг жазолаш хусусияти маҳкумларни жамиятдан ажратиб интизомий жавобгарлик билан боғлиқ бўлган турли ҳуқуқий чеклашларни назарда тутди (масалан, ҳибсхонага киритиб қўйиш ва бошқалар).

Режимнинг жазолаш хусусияти иккита омилда намоён бўлади:

биринчидан, маҳкумларни жамиятдан ажратиб, улар орасида интизомни таъминлайди;
иккинчидан, жамият хавфсизлигини таъминлайди.

Режимнинг тарбиялаш хусусияти маҳкумни муайян тартиб қоидаларга ўргатиш ва жазони ўташ тартибига риоя қилишини таъминлаш орқали намоён бўлади.

Режимнинг ижтимоий назорат функцияси жиноятчиликни олдини олишга ва унга қарши курашишни қамраб олади.

Маҳкумларни батамом ажратиш билан боғлиқ режим талаби маҳкумларни суднинг қонуний кучга кирган ҳукми асосида жазони ижро этиш муассасасига жойлаштириш билан таъминланади ва уларни бошқа фуқаролардан фарқли равишда ҳуқуқлари чекланган ҳолда ажратиб қўйилишида ифодаланади.

Маҳкумларни бошқалардан ажратиб қўйишга кўпроқ турмаларда, махсус тартибли колонияларда эришилади, манзил-колонияларида қуролланган соқчиларнинг йўқлиги туфайли маҳкумларни ажратиб қўйиш тартиби турма ва махсус тартибли колонияларга нисбатан қамроқ.

Маҳкумларни назорат қилишнинг тинтув қилиш ва кўздан кечириш тартиб-қоидалари ЖИК билан тартибга солинади. Маҳкумларни, жазони ижро этиш муассасаларининг турар жойларини, турар жой зоналари ва ишлаб чиқариш объектлари ҳудудларини кўздан кечириш, тинтув қилиш режа асосида, шунингдек, қўққисдан ўтказилиши мумкин. Кўздан кечириш ва тинтувни ўтказишдан мақсад, муассасаларда фойдаланиш ман этилган нарсалар ва ашёларни, шу жумладан, қурол-яроғ, гиёҳванд моддалар, алкоғолли ичимликлар, пул, валюта ва қимматликлар, портловчи, ёнувчи ва тез алангаланувчи моддаларни, қочишни амалга оширишга ёрдам берадиган нарсаларни аниқлаш, фош этиш ҳамда олиб қўйишдан иборат.

Жазони ижро этиш муассасасида ишлатиладиган назорат ва текширишнинг қуйидаги техникавий воситаларини мавжуд.

Жазони ижро этиш муассасаларининг қўлланиладиган техник воситаларини қўллаш мақсадига кўра қуйидаги воситаларга ажратиш мумкин:

- кузатув;
- излаш ва топиш (масалан, жазони ўташ тартибини бузган ёки бошқа ғайриқонуний ҳаракат содир қилган маҳкумни, яъни бунда жазони ижро этиш муассасасида олиб юриш тақиқланган предмет ва ашёлар воситасида содир қилинса);
- хабар бериш (сигнализация);
- алоқа;
- маҳкум томонидан ғайриҳуқуқий ҳаракатлар содир қилинган фаол (пассив) ҳаракатларни аниқлаш воситалари.

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

1. Жазони ижро этиш муассасаларида режим тушунчаси ва аҳамияти.
2. Режимнинг асосий талаблари.
3. Миллий қонунчиликни эркинлаштириш даврида жазони ижро этиш режимини энгиллаштириш.
4. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар кийими.
5. Маҳкумларни батамом ажратиб қўйиш ва қўриқлаш.
6. Маҳкумларни назорат қилиш ва текширишнинг техникавий воситаларидан фойдаланиш, тинтув ва кўздан кечириш.
7. Маҳкумларнинг нарса ва буюмлари.
8. Жазони ижро этиш муассасаларида тезкор қидирув фаолиятини амалга ошириш мақсади, тартиби ва шартлари.
9. Маҳкумларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш, тинчлантириш қўйлагини ва махсус воситаларни ишлатиш тартиби ва шартлари.
10. Ўқ-отар қуролларни қўллаш, фойдаланиш асослари, тартиби ва шартлари.
11. Жазони ижро этиш муассасаларида алоҳида ҳолат жорий этиш тартиби ва шартлари.
12. Маҳкумларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиши.
13. Маҳкумларнинг қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашиш тартиби ва шартлари.
14. Маҳкумларнинг телефон орқали сўзлашуви ва ёзишмалари.
15. Маҳкумларнинг посилкалар, йўқловлар, бандероллар ва пул жўнатмалари олиши ва юбориши.
16. Маҳкумларнинг адабиёт ва ёзув ашёларини сотиб олишлари тартиби.
17. Маҳкумларнинг кинофильмлар ва телеқўрсатувлар кўриши, радио эшитиш тартиби.
18. Маҳкумларнинг алоҳида ҳолларда муассаса доирасидан четга чиқиши.
19. Маҳкумларнинг белгиланган муддатда жойига қайтишдан бўйин товлаганлик оқибатлари.

6. МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:

1-масала

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлган К. уйга қайтиш олдидан муассаса маъмуриятидан у бу ерга келган вақтида ўзи билан олиб келган ва муассаса маъмурияти олиб қўйган нарсаларини қайтариб беришини сўрайди. Муассаса маъмурияти унинг нарсаларини бир қисmini қайтариб берди, қолган қисmlари муассаса бошлиғининг қарори билан йўқ қилиб ташланганлигини маълум қилади.

Савол: Ушбу ҳолатни қандай баҳолайсиз?

2-масала

Маҳкумларнинг фойдаланишига рухсат этилмаган бир қанча ашёлар жазони ижро этиш колонияси маъмурияти томонидан текшириш олиб борилаётганда, олиб қўйилади ва уни давлат ҳисобига ўтказиш ҳақида жазони ижро этиш колонияси маъмурияти бошлиғи томонидан қарор чиқарилади.

Савол: Юқорида қандай хатоликка йўл қўйилган?

3-масала

Маҳкумларни ишлаш объектлари жазони ижро этиш колонияси маъмурияти ходимлари томонидан текширилганида, шубҳали юрган 4 та маҳкум маҳкумларни ишлаш объекти қоровулхонасига олиб кирилиб, улар кўздан кечирилди. Маҳкумлар ёнидан ҳеч қандай ноқонуний нарсалар топилмади ва маҳкумлар ўз ишларини давом эттирдилар.

Савол: Жазони ижро этиш колонияси маъмурияти ходимлари томонидан қандай хатоликка йўл қўйилган?

7. МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

1. Жиноят-ижроия ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир-ю.ф.н., Ё.Ж.Ахроров. –Т.: Ўқитувчи, 2002. – 208б.
2. Жиноят-ижроия кодексига шарҳлар. Рустамбоев М.Ҳ., Ахроров Б.Ж. ва бошқалар. муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 574 б.
3. Комментарий к Исправительно-трудовому кодексу Республики Узбекистан. –Т.: Узбекистан, 1997.- 345с.
4. Абдухалиқов М.А., Пайзуллаев Қ., Абдуқодиров Ш.Ё. Жиноят -ижроия ҳуқуқи (схемалар). –Т.: ТДЮИ, 2005. – 142 б.

“ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ”

Маъруза мавзуси: Озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахслар моддий-маиший таъминоти, тиббий хизмат кўрсатиш ва меҳнати, таълими, ва тарбияси. (9-мавзу)

Маърузачи: Ғ.Эрматов

1. МАЪРУЗА НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади: Ушбу мавзунинг ёритишда Ўзбекистон Республикаси ЖИК 12-бобига мувофиқ этиб, ундаги қоидалар ўрганилади. Хусусан, маҳкумларнинг яшаш жойи, маҳкумларнинг овқати, кунлик нормалари, уларни уст бош билан таъминлаш тартиби, маҳкумларнинг тиббий-санитария таъминоти, маҳкумларни иш билан таъминлаш, маҳкумларнинг иш вақти, дам олиш вақти, пенсия таъминоти, моддий жавобгарлиги каби масалаларни талабаларга чуқур етказишдан иборат.

Маъруза натижасида талаба:

- ❖ маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлади;
- ❖ маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли жиноятчиликка қарши кураш бўйича ўз фикрини баён эта олади;
- ❖ ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- ❖ тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади.

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ❖ маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ❖ маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмунини ҳақида тушунча берилади;
- ❖ мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ❖ режа асосида слайдлар ёрдамида мавзуаги асосий ҳолатлар тушунтирилади;
- ❖ мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ❖ муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ❖ зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ❖ асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага якун ясалади.

Ушбу мавзу билан танишиш фаннинг кейинги мавзуларини ўрганишга тайёрлайди, уларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

3. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахслар моддий-маиший таъминоти деганда, маҳкумларга нормал яшаш маиший шароит яратиш бериш, уларни озиқ-овқат, буюмлар, кўрпа-тўшаклар, тиббий хулосага кўра амбулатория-поликлиника ва стационар шароитда тиббий ёрдам олиш ва бошқа коммунал шароитлар билан таъминлаш тушунилади. Бу уларнинг ахлоқан тузалишига яхши таъсир кўрсатади, маҳкумларда ижобий малакалар ва кўникмаларни шакллантиради, уларнинг соғлигини, иш қобилиятини таъминлайди.

Озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган маҳкумлар–нинг яшаш жойлари деганда, умумий турар жойлари, хоналар ва камралар тушунилади.

Маҳкумларнинг овқати – маҳкумларнинг ёши, улар бажараётган ишнинг хусусияти, уларнинг соғлиги, иқлимий шароитлардан келиб чиқиб белгиланади. Овқатланиш уч маҳал қилиб белгиланади ва калориялиги ҳамда ассортиментига қараб дифференциациялаштирилади.

Ҳар бир маҳкумга белгиланган овқат нормаси – озиқ-овқат нормаси киши организмнинг нормал ҳаётини таъминлайдиган даражада бўлиши лозим. Шунингдек, маълум тоифадаги

махкумларга оширилган нормаларда бериладиган овқат берилади, сабаби уларнинг оғир меҳнатга жалб қилинганлиги билан изоҳланади. Маҳкумларни ишга жалб этган корхона, муассаса ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан қўшимча овқат берилиши ҳам мумкин.

Маҳкума ҳомиладор аёллар, эмизикли оналар, вояга етмаганлар, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронларига овқат оширилган нормаларда берилади. Тиббий хулоса асосида уларга қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари олишга рухсат этилиши мумкин. Интизомий бўлинмаларга киритиб қўйиш тариқасидаги жазо чораси қўлланилган маҳкумларга овқат камайтирилган норма бўйича берилади.

Маҳкумларни уст-бош билан таъминлаш – Озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилган шахслар, жазони манзил-колонияларда ўтаётган шахслар бундан мустасно республика бюджети ҳисобидан белгиланган намунада кийим, мавсумга қараб, маҳкумнинг жинси ва иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда ички кийим ва пойабзал билан таъминланадилар.

Маҳкумларнинг тиббий санитария таъминоти – ўз ичига маҳкумларга дори-дармон воситалари бериш, санитария назоратини ташкил этиш ва олиб бориш, даволаш-профилактика муассасала–ридан фойдаланиш, амбулатория ва махсус даволаш, профилактика хизмати ва эпидемияга қарши кураш тадбирлари, маҳкумларнинг меҳнатга лаёқатлилигини аниқлаш ва уларни ишга тўғри тақсимлаш, ичкиликбозлар, гиёҳвандлар, таносил касаллиги билан оғриганларни аниқлаш ва мажбурий даволаш, тиббий ва гигиеник қоидаларни ташвиқ қилишни ташкиллаштириш кабиларни қамраб олади.

4. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Жазони ўташнинг асосий қисмини маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти ва уларга тиббий ва бошқа хизмат кўрсатишлар ташкил қилади.

Маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти куйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- зарур яшаш ва коммунал-турмуш шароитларини яратиш;
- озиқ-овқат билан таъминлаш;
- кийим-бош билан таъминлаш;
- савдо тармоғи ва маҳкумларни моддий-маиший таъминлаш–нинг қўшимча манбалари.

Маҳкумларнинг моддий жавобгарлиги – озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар одатда, меҳнат вазифаларини адо этиш чоғида етказилган зарар учун - меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда (МК XII бобининг 1,3-б); бошқа хатти-ҳаракатлар оқибатида етказилган зарар учун - фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда моддий жавобгар бўладилар (985-моддаси). Нотўғри чегирилган пул суммалари маҳкумга қайтарилиб, унинг шахсий ҳисобварағига ўтказилади.

Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни меҳнатга жалб этишни ташкиллаштириш – маҳкумларни меҳнатга жалб қилиш уларда ижтимоий-фойдали фаолият билан шуғулланиш эҳтиёжини шакллантириш, қайта тарбиялаш ва ижобий кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни меҳнатга жалб этиш шартлари – меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида, ЖИК ва жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб-қоидаларида қатъий тартибда белгиланган бўлади. Маҳкумларнинг хусусий шахслар фойдасига меҳнат қилишига йўл қўйилмайди. Ички тартиб қоидаларига мувофиқ, маҳкумлардан бошқарув лавозимларида фойдаланиш, уларнинг кўпайтириш, радиотелефон, телефакс техникаларида ишлаши, сотувчи, кассир, озиқ-овқат ва кийим-бош омборхоналарида, шунингдек, мураккаб ва қимматбаҳо ускуналар бор омборларда мудир бўлиб ишлаши ман қилинади.

Маҳкумларнинг ижтимоий суғуртаси ва пенсия таъминоти – маҳкумларнинг пенсия таъминоти ва ижтимоий суғуртаси масаласи ЖИКнинг 96-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг иш ҳақидан давлат ижтимоий суғуртасига ажратмалар ажратилмайди. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазодан озод бўлганларидан сўнг қонун ҳужжатларига мувофиқ умумий тартибда давлат пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

1. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг яшаш жойлари.
2. Маҳкумларнинг овқати ва ҳар бир маҳкумга белгиланган овқат нормаси ва маълум тоифадаги маҳкумларга оширилган нормаларда бериладиган овқат.
3. Маҳкумларнинг тиббий санитария таъминоти.
4. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни меҳнатга жалб этишни ташкиллаштириш тушунчаси, шартлари ва тамойиллари.
5. Маҳкумларнинг баъзи тоифаларини меҳнатга жалб қилишнинг ихтиёрийлиги.
6. Маҳкумларни иш билан таъминлаш ва уларнинг иш вақти.
7. Маҳкумларни иш вақтидан ташқаридаги ишларга, дам олиш ва байрам (ишламайдиган) кунларида, шунингдек, тунги вақтларда меҳнатга жалб этиш тартиби.
8. Маҳкумларнинг дам олиш вақти ва меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби.
9. Маҳкумлар иш ҳақларидан чегириб қолиш қоидалари.
10. Маҳкумларни ҳақ тўламай ишга жалб этиш.
11. Маҳкумларнинг моддий жавобгарлиги.
12. Маҳкумларнинг ижтимоий суғуртаси ва пенсия таъминоти.

6. МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:

1-масала

Озодликдан маҳрум қилиш муассасасидаги маҳкумларга шу муассаса маҳкумларини ишга жалб этган корхона ўз маблағлари эса бундай қилиш мумкин эмаслигини, чунки бунда маҳкумларга бериладиган белгиланган овқат нормасига ошиб кетишига ва маҳкумларни ахлоқан бузилишига олиб келишини мумкинлигини, яхшиси ушбу маблағни озодликдан маҳрум қилиш муассасаси ҳисобига ўтказишни таклиф қилди.

Савол: Озодликдан маҳрум қилиш муассасаси ҳаракатлари тўғрими?

Ҳолатни қандай изоҳлайсиз?

Маҳкумлар муассасасиники бўлмаган бошқа корхоналарда меҳнатга жалб қилиниши мумкинми?

2-масала

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган ва меҳнатга жалб қилинган маҳкум Н. йиллик меҳнат таътилига чиқишни сўраб мурожаат қилди. Муассаса маъмурияти бу талабни ноқонуний деб рад этди.

Савол: Маъмуриятнинг жавоби тўғрими?

Маъмуриятнинг дам олиш вақти нима?

3-масала

Маҳкум Г. ўзининг тишлари касалланганлигини айтиб, жазони ижро этиш колониясининг тиббий-санитария бўлимига мурожаат қилади. Унга тегишли хизматлар кўрсатилганидан кейин унинг ҳисобварағидан тегишли миқдорда пул маблағи ушлаб қолинади. Лекин, бундан маҳкум норози бўлиб, унинг барча харажатлари давлат бюджетидан амалга оширилиши кераклигини таъкидлайди.

Савол: Г. нинг эътирози ўринлими?

7. МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

1. Жиноят-ижроия ҳукуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир-ю.ф.н., доц. Б.Ж.Ахроров. –Т.: Ўқитувчи, 2002. – 208б.
2. Жиноят-ижроия кодексига шарҳлар. Рустамбоев М.Ҳ., Ахроров Б.Ж. ва бошқалар. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 574 б.
3. Комментарий к Исправительно-трудовому кодексу Республики Узбекистан. –Т.: Узбекистан, 1997.- 345с.
4. Абдухалиқов М.А., Пайзуллаев Қ., Абдуқодиров Ш.Ё. Жиноят -ижроия ҳукуқи

(альбом схемалар). –Т.: ТДЮИ, 2005. – 142 б.

“ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ”

Маъруза мавзуси: Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланиладиган рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари. (10-мавзу)

Маърузачи: Ғ.Эрматов

1. МАЪРУЗА НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади: Рағбатлантириш чоралари ва уларнинг турлари, рағбатлантириш чораларини қўллаш асослари, маҳкумларни сақлаш шароитини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган рағбатлантириш чораларини қўллаш тартиби, интизомий жазо чораларини қўллаш асослари ва тартиби, интизомий жазо устидан шикоят бериш тартиби, маҳкумларни интизомий бўлинмаларга киритиб қўйиш тартиби ва шартлари, жазони ўташ тартибини қўпол тарзда бузиш тушунчаси каби масалаларни талабаларга чуқур етказишдан иборат.

Маъруза натижасида талаба:

- ❖ маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлади;
- ❖ маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли жиноятчиликка қарши кураш бўйича ўз фикрини баён эта олади;
- ❖ ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- ❖ тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади.

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ❖ маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ❖ маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмунини ҳақида тушунча берилади;
- ❖ мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ❖ режа асосида слайдлар ёрдамида мавзуаги асосий ҳолатлар тушунтирилади;
- ❖ мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ❖ муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ❖ зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ❖ асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага якун ясалади.

Ушбу мавзу билан танишиш фаннинг кейинги мавзуларини ўрганишга тайёрлайди, уларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

3. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Рағбатлантириш чоралари – маҳкумларнинг хулқи, меҳнат ва таълимга виждонан муносабати, тарбиявий тадбирларни ўтказишда фаол иштироки бошқа ишчанлик обрўси инобатга олиниб бериладиган энгиллик ҳисобланади.

Рағбатлантириш чораларининг турлари – ташаккур эълон қилиш; илгари қўлланилган интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш; ёрлик, қимматли совға ёки пул мукофоти билан тақдирлаш; қўшимча посилка, йўқлов ёки бандерол олишга рухсат этиш; қўшимча учрашув ёки телефон орқали сўзлашув ҳуқуқи бериш; озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш учун пул суммасини кўпайтириш; энгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказиш, манзил-колонияларда сақланаётган шахслар бундан мустасно.

Интизомий жазо чоралари – маҳкумларни ахлоқан тузалиши, уни ҳалол меҳнатга ўргатиш ва жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб-интизомига бўйсунганини таъминлаш учун

қўлланилади. Жазони ўташ тартибини бузган маҳкумларга қуйидаги турдаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин: огоҳлантириш; ҳайфсан; енгиллаштирилган сақлаш шароитини бекор қилиш; интизомий бўлинмага киритиб қўйиш; сақлаш режимини ашаддий бузувчи маҳкумларни манзил-колониядан умумий тартибли колонияга ўтказиш; сақлаш режимини ашаддий бузувчи маҳкумларни манзил-колониядан умумий тартибли колонияга ўтказиш; сақлаш режимини ашаддий бузувчи маҳкумларни манзил-колониядан умумий ёки қаттиқ тартибли колонияга, қаттиқ тартибли колониядан махсус тартибли колонияга, колониядан турмага қайтариш бўлиб ҳисобланади.

Изолятор ва карцерлар – маҳкумлар ҳибсхоналар ва карцерларга *ўн беш суткагача*, тарбия колонияларининг ҳибсхоналарига эса, *ўн суткагача* бўлган муддатга киритиб қўйилади. Жазони ўташ тартибини ашаддий бузувчи маҳкумлар умумий, қаттиқ ва махсус тартибли колонияларнинг карцерларига *олти ойгача*, аёллар сақланадиган колонияларда эса, *уч ойгача* бўлган муддатга ўтказиб қўйилади.

Ҳибсхоналар – жазо ўтовчилар, жазо ўташ режимини бузган вақтда киритиб қўйиладиган махсус жиҳозланган хона.

Карцер – бу бир кишилик камера ҳисобланиб, маҳкумга нисбатан бошқа таъсир чораларини қўллаш ижобий натижа бермаган ҳолларда, уни умумий, қаттиқ ва махсус тартибли колонияларнинг карцерларидаги бир кишилик камерага ўтказиш жойи ҳисобланади. Бир кишилик камерада эркак маҳкумларни олти ойга қадар, аёл маҳкумларни уч ойгача сақлаш белгиланган. Бир кишилик камерада сақланаётган маҳкумларга учрашувлар, телефон сўзлашувлари, посилка ёки йўқлов, бандероллар олиш ҳамда жўнатиш, столда ўйналадиган ўйинлардан фойдаланиш тақиқланади. Махсус қамоқ уйлари ва турмаларда ҳам алоҳида ҳолларда маҳкумни батамом ажратиб қўйилишини таъминлаш мақсадида муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори асосида бир кишилик камерада сақлашга йўл қўйилади.

4. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Маҳкумларни сақлаш шароитини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган рағбатлантириш чораларини қўллаш тартиби – маҳкумларни сақлаш шароитини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказиш интизомий жазоси йўқ маҳкумларга берилади.

Маҳкумларни сақлаш шароитини ўзгартириш билан боғлиқ бўлмаган рағбатлантириш чораларини қўллаш тартиби – маҳкумга нисбатан ташаккур тариқасидаги рағбатлантириш оғзаки ёки ёзма, бошқа рағбатлантириш чоралари ёзма равишда қўлланилади. Рағбатлантириш чоралари ЖИК талабларига риоя этилган ҳолда қўлланилади. Ташаккурнома қандай тарзда эълон қилинишидан қатъи назар, маҳкумнинг шахсий варақасига тикиб қўйилади. Маҳкумга рағбатлантириш тарзида йил мобайнида қўпи билан иккита посилка, йўқлов ёки бандерол олишга, икки марта учрашувга рухсат берилиши мумкин. Рағбатлантириш тарзида маҳкумдан илгари қўлланилган битта интизомий жазо муддатида олдин олиб ташланиши мумкин.

Интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби – бу жазонинг ҳуқуқбузарлик оғирлиги даражаси ва хусусиятига мос бўлишлигидир. Бир вақтнинг ўзида содир этилган бир нечта ҳуқуқбузарлик учун битта интизомий жазо қўлланилади. Битта ҳуқуқбузарлик учун бир нечта интизомий жазо қўллаш тақиқланади. Интизомий жазо ёзма равишда, ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб бир ой ичида берилади. Интизомий жазони қўллаш чоғида ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолат, маҳкумнинг хулқ-атвори ва шахсий хислатлари, олиб ташланмаган ва бекор бўлмаган интизомий жазолари бор-йўқлиги инобатга олинади. Интизомий жазо дарҳол ижро этилади. Агар интизомий жазо қўлланилган кундан бошлаб бир ой ичида ижро этилмаган бўлса, у ижрога қаратилмайди.

Интизомий жазо устидан шикоят бериш тартиби – маҳкум ўзига нисбатан қўлланилган интизомий жазонинг адолатсиз ёки ғайриқонунийлиги юзасидан юқори турувчи мансабдор шахсга, прокурорга ёки судга шикоят қилишга ҳақли. Шикоят берилиши интизомий жазо ижросини тўхтатиб қўйишга асос бўлмайди. Юқори мансабдор шахс, прокурор ёки суд интизомий жазони юмшатиш ёки бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Интизомий жазонинг амал қилиш муддати – жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йилдан ошмаслиги керак. Агар интизомий жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йил мобайнида маҳкум янги интизомий жазога тортилмаса, унга нисбатан қўлланилган интизомий жазо олиб ташланади ва у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади.

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

1. Рағбатлантириш чоралари ва уларнинг турлари.
2. Рағбатлантириш чораларини қўллаш асослари.
3. Маҳкумларни сақлаш шароитини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган рағбатлантириш чораларини қўллаш тартиби.
4. Интизомий жазо чораларини қўллаш асослари ва тартиби.
5. Интизомий жазо устидан шикоят бериш тартиби.
6. Интизомий жазонинг амал қилиш муддати.
7. Маҳкумларни интизомий бўлинмаларга киритиб қўйиш тартиби ва шартлари.
8. Изолятор ва карцерлар.
9. Маҳкумларни интизомий бўлинмага киритиб қўйиш тариқасидаги жазони қўллаш хусусиятлари.
10. Рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўлловчи мансабдор шахслар.
11. Жазони ўташ тартибини қўпол тарзда бузиш тушунчаси.
12. Сақлаш режимини ашаддий бузувчи тушунчаси.
13. Жазони ижро этиш жойлардаги ташаббускор ташкилотлар фаолияти, уларнинг тузилиши, турлари ва вазифалари.

6. МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:

1-масала

А. исмли маҳкумга жамоат ишидаги фаоллиги ва меҳнатга ҳалол муносабати учун интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш шаклидаги рағбатлантириш чораси қўлланилди. Унга интизомий жазо 2000 йил 1 майда қўлланилган эди. Рағбатлантириш чораси эса 2000 йил 1 июлда қўлланилган.

Савол: Юқорида қандай хатоликка йўл қўйилган?

2-масала

Г.исмли маҳкумга мунтазам жазони ижро этиш колонияси тартиб қондасини бузганлиги учун унга нисбатан 2 кун давомида камайтирилган тарзда озиқ овқат берилиши тўғрисида буйруқ чиқарилди.

Савол: Юқорида қандай хатоликка йўл қўйилган?

3-масала

Вояга етмаган Д.исмли маҳкум жазони ўташ тартибини бузганлиги учун тарбия колониясининг ҳибсхонасига 15 кун муддат давомида киритилиб қўйилди.

Савол: Жазони ижро этиш колонияси маъмуриятининг ҳаракатлари қонунийми?

4-масала

Жазоларни ижро этиш колониясида К. исмли маҳкум меҳнат қилиш шароитини биринчи марта бузгани учун унга нисбатан жазоларни ижро этиш колонияси маъмурияти томонидан 15 сутка карцерга киритиб қўйилди.

Савол: Жазоларни ижро этиш колонияси маъмурияти ҳаракатлари қонунийми?

7. МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

1. Жиноят-ижроия ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир-ю.ф.н., доц. Б.Ж.Ахроров. –Т.: Ўқитувчи, 2002. – 208б.

2. Жиноят-ижроия кодексига шарҳлар. Рустамбоев М.Ҳ., Ахраров Б.Ж. ва бошқалар. Маъсул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 574 б.
3. Комментарий к Исправительно-трудовому кодексу Республики Узбекистан. –Т.: Узбекистан, 1997.- 345с.
4. Абдухалиқов М.А., Пайзуллаев Қ., Абдуқодиров Ш.Ё. Жиноят -ижроия ҳуқуқи (альбом схемалар). –Т.: ТДЮИ, 2005. – 142 б.

“ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ХУҚУҚИ”

Маъруза мавзуси: Колониялар ва турмаларда жазони ўташ. (11-мавзу)

Маърузачи: Ғ.Эрматов

1. МАЪРУЗА НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади: Колониялар ва турмаларда жазони ўташ тушунчаси ва асослари, манзил-колонияларда жазони ўташ шартлари, умумий тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ва шартлари, қаттиқ тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ва шартлари, махсус тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ва шартлари, турмаларда жазони ўташ тартиби ва шартлари, тарбия колонияларида жазони ўташ тартиби ва шартлари, айрим тоифадаги маҳкумлар томонидан жазони ўташ хусусиятлари каби масалаларни талабаларга чуқур етказишдан иборат.

Маъруза натижасида талаба:

- ❖ маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлади;
- ❖ маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли жиноятчиликка қарши кураш бўйича ўз фикрини баён эта олади;
- ❖ ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- ❖ тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади.

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ❖ маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ❖ маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга ошириладиган ислохотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- ❖ мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ❖ режа асосида слайдлар ёрдамида мавзуаги асосий ҳолатлар тушунтирилади;
- ❖ мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ❖ муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ❖ зарурийат туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ❖ асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага яқун ясалади.

Ушбу мавзу билан танишиш фаннинг кейинги мавзуларини ўрганишга тайёрлайди, уларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

3. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Ўзбекистон Республикаси ЖИК 46-моддасига мувофиқ, манзил колониялар қуйидагиларга бўлинган:

- ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар, эҳтиётсизлик оқибатида содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақланадиган манзил-колониялар;
- умумий, қаттиқ тартибли колониялардан, шунингдек тарбия колониялардан ўтказилган маҳкумлар сақланадиган манзил-колониялар.

Умумий тартибли колонияларда ўташ шартлари:

- оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган эркаклар сақланадиган колониялар;
- ўта оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган эркаклар сақланадиган колониялар;

- оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган аёллар сақланадиган колониялар, Жиноят-ижроия кодексининг 48-моддасида кўрсатилган (илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган ва ўта оғир жиноят содир этганлик учун яна судланган аёллар, шунингдек ўта хавфли рецидивист деб топилган аёллар сақланадиган колониялар) аёллар бундан мустасно.

Қаттиқ тартибли колонияларда ўташ шартлари: илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган ва қасддан жиноят содир этганлик учун яна судланган эркаклар сақланадиган колониялар;

илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган ва ўта оғир жиноят содир этганлик учун яна судланган аёллар, шунингдек ўта хавфли рецидивист деб топилган аёллар сақланадиган колониялар.

Махсус тартибли колониялар – озодликдан маҳрум қилиниб, ўта хавфли рецидивист деб топилган эркакларни, шунингдек умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган колониялар.

Шунингдек, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган эркаклар ҳам сақланиши мумкин бўлган колониялар.

Жиноят-ижроия кодексининг 45-моддаси	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг “Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидалари тўғрисида”ги 2001 йил 20 май 20-сонли буйруғи
Тарбия колониялари - вояга етмаган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган жазони ижро этиш жойлари.	Тарбия колониялари - вояга етмаган маҳкумлар, шунингдек, 21 ёшга етгунга қадар муассаса бошлиғининг прокурор томони—дан тасдиқланган қарорига асосан қолдирилган шахслар мўл—жалланган жазони ижро этиш жойлари. -умумий тартибли колониялар -кучайтирилган тартибли колониялар

4.МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Жиноят-ижроия кодексининг 45-моддасида жазони ижро этиш колонияларининг 4 тури кўрсатилган. Булар:

- манзил-колониялари;
- умумий колониялар;
- қаттиқ тартибли колониялар;
- махсус тартибли колониялар;

Барча жазони ижро этиш колониялари икки шаклга бўлинган булар:

1. Маҳкумлар қўриқлов ва назорат остида сақланадиган ёпиқ турдаги (умумий, қаттиқ ва махсус тартибли)

2. Маҳкумлар соқчисиз, аммо назорат остида сақланадиган ярим очик турдаги (манзил-колониялар) колониялардан иборат.

Колонияларда асосан, уч хил шароитдаги сақлаш жойлари ташкил этилади:

- оддий
- енгиллаштирилган
- оғирлаштирилган

Оддий шароитдаги- колонияга одатда, маҳкум суднинг ҳукми билан келтирилгандагина киритиб қўйилади. Улар умумий ётоқхоналарда сақланади.

Енгиллаштирилган шароитга қуйидагилар ўтказилиши мумкин:

- интизомий жазоси йўқ маҳкумлар;
- қасддан содир этилган унча оғир бўлмаган жиноят учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида олти ойини ўтаганидан кейин;

- содир этилган оғир жиноят учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида чорак кисмини ўтаганидан кейин;

- содир этилган ўта оғир жиноят учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир кисмини ўтаганидан кейин ўтказилади.

Тарбия колониясидан ўтказилган маҳкумлар жазони енгиллаштирилган сақлаш шароитида ўтайдилар.

Маҳкумларни карцерларда сақлаш тартиби – маҳкумларга нисбатан бошқа таъсир ўтказиш чораларини қўллаш ижобий натижа бермаган ҳолларда, улар умумий колонияларнинг карцерларида бир кишилик камераларига ўтказиладилар, бунда жазони ўташ режими талабларини қасддан бузган ҳолларда, сақлаш муддати 6 (олти) ойгача, аёллар сақланадиган колонияларнинг карцерларида эса 3 (уч) ойгача бўлган муддатда белгиланади.

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

1. Колониялар ва турмаларда жазони ўташ тушунчаси ва асослари.
2. Манзил-колонияларда жазони ўташ шартлари.
3. Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатлари ва имтиёзлари.
4. Манзил-колонияларда маҳкумларнинг меҳнати, таълими.
5. Умумий тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ва шартлари.
6. Умумий тартибли колонияларда маҳкумлар шароитини енгиллаштириш тартиби ва асослари.
7. Қаттиқ тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ва шартлари.
8. Қаттиқ тартибли колонияларда сақланаётган маҳкумлар шароитини енгиллаштириш асослари ва тартиби.
9. Махсус тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ва шартлари.
10. Махсус тартибли колонияларда жазони ўтаётган маҳкумлар шароитини енгиллаштириш асослари ва тартиби.
11. Турмаларда жазони ўташ тартиби ва шартлари.
12. Турмаларда жазони ўтаётган маҳкумлар шароитини енгиллаштириш асослари ва тартиби.
13. Тарбия колонияларида жазони ўташ тартиби ва шартлари.
14. Тарбия-колонияларида вояга етмаган маҳкумларни қўшимча рағбатлантириш ёки уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш шартлари.
15. Ҳибсхонага киритиб қўйиш тариқасидаги интизомий жазо чорасини қўллаш хусусиятлари.
16. Ўн саккизга тўлган маҳкумларни тарбия колонияларида жазони ўташни давом эттириш учун қолдириш тартиби ва шартлари.
17. Маҳкумларни тарбия колонияларидан жазони ижро этиш колонияларига ўтказиш.
18. Айрим тоифадаги маҳкумлар томонидан жазони ўташ хусусиятлари.
19. Ҳомиладор аёллар ва ёш боласи бор аёллар учун қўшимча ҳуқуқлар ва имтиёз бериш шартлари ва тартиби.
20. Маҳкума аёлларнинг вояга етмаган болалари билан узок муддатли учрашувга рухсат бериш тартиби.
21. Маҳкума аёлларнинг муассаса доирасидан ташқарида яшаш тартиби ва шартлари.
22. Муассаса ҳудуди доирасидан ташқарида яшаш ҳуқуқининг бекор бўлиш асослари.
23. Болаларни жазони ижро этиш колониялари қошидаги болалар уйига жойлаштириш.
24. Болани онанинг розилиги билан қариндошларига ёки бошқа шахсларга бериш ёхуд болалар уйига ўтказиш шартлари.
25. Маҳкума аёлларнинг муассаса доирасидан четга қисқа муддатли чиқиши тартиби ва асослари.

6. МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:

1-масала

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини манзил колониясида ўтаётган маҳкум З. фуқаролик намунасидаги кийимда юрганлиги учун муассаса маъмурияти уни муассаса ички тартиб қоидаларида бу нарса мумкин эмаслигини айтиб унга огоҳлантириш эълон қилади.

Савол: Муассасада режим тўғри ўрнатилганми?

Огоҳлантириш тўғри қўлланилдимми?

2-масала

Вояга етмаган Ж. жазони ижро этиш колониясида тўсатдан жазавага тушиб, қолди. Жазони ижро этиш колонияси ходимлари тиббий ходимлар билан биргаликда 3 соат мобайнида маҳкумга тинчлантириш куйлагини кийдириб қўйишди.

Савол: Жазони ижро этиш колонияси маъмурияти ходимлари томонидан қандай хатоликка йўл қўйилган?

7. МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

1. Жиноят-ижроия ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир-ю.ф.н., доц. Б.Ж.Ахроров. –Т.: Ўқитувчи, 2002. – 208б.
2. Жиноят-ижроия кодексига шарҳлар. Рустамбоев М.Х., Ахроров Б.Ж. ва бошқалар. Маъсул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 574 б.
3. Комментарий к Исправительно-трудовому кодексу Республики Узбекистан. –Т.: Узбекистан, 1997.- 345с.
4. Абдухалиқов М.А., Пайзуллаев Қ., Абдуқодиров Ш.Ё. Жиноят -ижроия ҳуқуқи (альбом схемалар). –Т.: ТДЮИ, 2005. – 142 б.

“ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ”

Маъруза мавзуси: Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш.
(12-мавзу)

Маърузачи: Ғ.Эрматов

1. МАЪРУЗА НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони ва унинг аҳамияти, умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш тартиби ва шартлари, умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларни рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини бериш тартиби ва шартлари, ушбу жазога ҳукм қилинган маҳкумларни афв этиш тўғрисида илтимосномани бериш тартиби, 2008 йилнинг 1 январидан республикада жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилиниши, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилиши, шу муносабат билан, 2007 йил 11 июлда “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонун қабул қилиниши каби масалаларни талабаларга чуқур етказишдан иборат.

Маъруза натижасида талаба:

- ❖ маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлади;
- ❖ маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли жиноятчиликка қарши кураш бўйича ўз фикрини баён эта олади;
- ❖ ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- ❖ тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади.

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ❖ маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ❖ маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмунини ҳақида тушунча берилади;
- ❖ мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ❖ режа асосида слайдлар ёрдамида мавзуаги асосий ҳолатлар тушунтирилади;
- ❖ мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ❖ муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ❖ зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ❖ асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага якун ясалади.

Ушбу мавзу билан танишиш фаннинг кейинги мавзуларини ўрганишга тайёрлайди, уларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

3. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар – махсус сақлаш шароитларига эга бўлган махсус тартибли колонияларда сақланадилар.

Умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумларнинг меҳнатини ташкил этиш – одатдаги ва енгиллаштирилган сақлаш шароитларида сақланаётган шахслар учун иш камраларида ташкил этилади. Ушбу меҳнат қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига асосан тартибга солинади.

4. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Ўлим жазосини бутунлай бекор қилишдан қўзланган мақсад нима?

биринчидан, бундай шафқатсиз жазо тури Конституциямизнинг муқаддимасида таъкидланган, биз барпо қилаётган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат сиёсатига тўғри келмайди. Чинакам демократик инсонпарвар давлат ҳеч қачон қонун йўли билан инсонни ўлимга маҳкум этиши лозим эмас;

иккинчидан, ўлим жазоси халқаро ҳуқуқий нормаларга зиддир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 3-моддасида “Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир”, деб белгилаб қўйилган. “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт”нинг 6-моддасида эса “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшаш ҳуқуқидан маҳрум қила олмайди” дея таъкидланган;

Ўзбекистон Республикаси ўзининг Асосий қонуни муқаддимасида, шунингдек, ЖИК 4-моддасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган. Демак, эртами-кечми республикамиз қонунларини халқаро ҳуқуқ талабларига мослаштириш заруратини даврнинг ўзи тақозо қилади;

учинчидан, Конституциямизнинг 24-моддасида “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир”, деб қатъий белгилаб қўйилган. “узвий” бу “ажралмас” дегани. Ажралмас ҳуқуқдан ноқонуний маҳрум қилиш, ажратиш энг оғир жиноят, қонун йўли билан маҳрум қилиш эса шафқатсизликдир. Демак, Асосий қонунимиз талабидан келиб чиқадиган бўлсак, инсонни ўлим жазосига маҳкум этиш мумкин эмас. Шундай экан, бу жазо турини Жиноят кодексидан чиқариб ташлаш зарур эди. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-моддасида “бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас” дейилган;

Тўртинчидан, ўлим жазосини бекор қилиш суд хатосини тузатиш имконини беради. Зеро, киши суд томонидан ўлим жазосига асоссиз маҳкум этилиб, ҳукм ижро этилгач, унинг айбсизлиги исботланган ҳолатлар учраб туради. Биологик ҳаётга чек қўйилган, яъни, жисмонан йўқ қилинган инсонни эса қайта тирилтириб бўлмайди. Умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилган шахсни эса унинг айбсизлиги исботлангач, озод қилиш мумкин.

Мамлакатимизда ўлим жазосини қонун йўли билан бекор қилинганлиги халқаро ҳуқуқ нормаларига, жаҳон андозаларига тўла-тўқис мосдир. Аммо, республикамизда шунинг учунгина бундай йўл тутилмади. Чунки, ўзбек халқи азалдан кечиримли, бағрикенг халқ бўлган. Ислом дини ақидаларида ҳам кечиримлилиқ ниҳоятда улуғланади. Шу маънода “Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун миллий қонунчилигимизга халқаро ҳуқуқ нормаларининг имплементация қилиниши жиҳатидан ҳам, инсонпарварлик руҳидаги миллий ва диний қадриятларимизнинг сингдирилиши нуқтаи назаридан ҳам тарихий ҳодиса, суд-ҳуқуқ тизими ислохотларининг том маънодаги янги такомил босқичи бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 51-моддасига биноан умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни махсус тартибли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборатдир.

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

1. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш тартиби ва шартлари.
2. Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг меҳнатини ташкил этиши.
3. Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларни рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини бериш тартиби ва шартлари.
4. Умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларни авф этиш тўғрисида илтимосномани бериш тартиби.

6. МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:

1-масала.

Мамалакатимизда умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони амалга киритилишининг аҳамияти.

2-масала.

Умрбод озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган қайси ҳолларда енгиллаштирилган сақлашнинг шароитига ўтказишга йўл қўйилишини асослаб тушунтириб беринг.

7. МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

1. Жиноят-ижроия ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир-ю.ф.н., доц. Б.Ж.Ахроров. –Т.: Ўқитувчи, 2002. – 208б.
2. Жиноят-ижроия кодексига шарҳлар. Рустамбоев М.Ҳ., Ахроров Б.Ж. ва бошқалар. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 574 б.
3. Комментарий к Исправительно-трудовому кодексу Республики Узбекистан. –Т.: Узбекистан, 1997.- 345с.
4. Абдухалиқов М.А., Пайзуллаев Қ., Абдуқодиров Ш.Ё. Жиноят -ижроия ҳуқуқи (альбом схемалар). –Т.: ТДЮИ, 2005. – 142 б.

“ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ”

Маъруза мавзуси: Ҳарбий хизматчиларга нисбатан хизмат бўйича чеклаш, қамоқ ва интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш. (13-мавзу)

Маърузачи: Ғ.Эрматов

1. МАЪРУЗА НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади: Мазкур маъруза ҳарбий хизматчиларга нисбатан жорий этиладиган жазони ижро этиш билан боғлиқ бўлган боблар бўлиб, талабага бу масалани ёритишда хизмат бўйича чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш ва қамоқ тариқасидаги жазоларни ижро этиш тартиби, ўташ муддатини ҳисоблаш, пул таъминотидан чегириб қолиш, жазо ижросини тугатиш, жазони алмаштириш, моддий-маиший таъминот ва тиббий хизмат кўрсатиш, маҳкумларнинг учрашувлари, рағбатлантириш чоралари каби масалаларни талабаларга чуқур етказишдан иборат.

Маъруза натижасида талаба:

- ❖ маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлади;
- ❖ маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли жиноятчиликка қарши кураш бўйича ўз фикрини баён эта олади;
- ❖ ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- ❖ тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади.

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ❖ маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ❖ маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга ошириладиган ислохотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- ❖ мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ❖ режа асосида слайдлар ёрдамида мавзуаги асосий ҳолатлар тушунтирилади;
- ❖ мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ❖ муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ❖ зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ❖ асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага яқун ясалади.

Ушбу мавзу билан танишиш фаннинг кейинги мавзуларини ўрганишга тайёрлайди, уларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

3. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Ҳарбий хизмат – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Қуrolли Кучлар сафида умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш борасидаги давлат хизматининг алоҳида тури.

Контракт бўйича ҳарбий хизмат – Қуrolли Кучлар сафидаги ҳақиқий ҳарбий хизматга ихтиёрийлик асосида, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар орқали давлат билан тузиладиган контрактга биноан кирган фуқаролар бажарадиган ҳарбий хизмат туридир.

Хизмат бўйича чеклаш – ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчини суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида муайян ҳуқуқ ва имтиёزلардан маҳрум қилиб, пул таъминотининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолишдан иборатдир.

Командир – қуrolли кучлардаги ҳарбий қисмларда, бўлинмаларда, роталарда, шунингдек ҳарбий денгиз кемаларда раҳбарликни амалга оширувчи ҳарбий мансабдор шахс.

Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш тартиби – Ўзбекистон Республикаси ЖИК 14-моддаси 3-қисмига мувофиқ, маҳкум ҳарбий хизматни ўтаётган жойидаги командир (бошлик) амалга оширади.

4. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

ЖИКнинг 33-моддаси 2-қисмига биноан маҳкум қамоқ жазосини бутун муддатини одатда битта қамоқ уйида ўтайди.

Интизомий қисмга жўнатиш – муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчисини суд томонидан белгиланган муддат мобайнида ички тартиби анча қаттиқ бўлган махсус ҳарбий қисмга жойлаштириш орқали, муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум этишдир.

Маҳкумларни интизомий қисмга жўнатиш тартиби – интизомий қисмга жўнатишга ҳукм қилинган шахслар ҳукм қонуний кучга киргунга қадар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг гарнизон ва қоровуллик хизматлари низомида белгиланган тартибда гауптвахтада сақланадилар. Интизомий қисмда жазони ўташ муддати ҳукмда кўрсатилган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

1. Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш тушунчаси ва тартиби.
2. Қамоқ тариқасидаги жазони ижро этиш тушунчаси ва тартиби.
3. Интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазони ижро этиш тартиби ва шартлари.
4. Жазони ўташ вақтини ҳарбий хизмат муддатига қўшиб ҳисоблаш.

5. МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:

1-масала

Хизмат бўйича чеклаш тўғрисидаги ҳукмнинг ижро этилганлиги тўғрисида ҳарбий қисм командири ҳукм чиқарган судга 10 кунлик муддат ичида хабар берди. Суд унга муддатни бузганлиги учун эътироз билдирди. Командир эса, ҳарбий қисмда озроқ нотинчлик бўлганлигини ваз қилиб кўрсатди.

Савол: Суднинг эътирози ўринлими?

2-масала

Хизмат бўйича чеклаш жазосини ўтаётган А. ҳарбий қисмда ёнгин рўй берганида 14 та шахснинг ҳаётини сақлаб қолди. Ҳарбий қисм командири унинг бу жасоратини тақдирлаш мақсадида Мудофаа вазирлигига унвонини ошириш тўғрисида илтимоснома билан чиқди. Лекин рад жавоби олинди.

Савол: Рад этиш асослари тўғрими?

3-масала

Хизмат бўйича чеклаш жазосини ўтаётган С. ўзининг ойлик маошининг 20 фоизини давлат даромади учун ушлаб қолинаётганлиги қонунийлигини, лекин ҳарбий унвони ва мансабидан келиб чиқиб қўшиладиган бошқа маблағлардан ушлаб қолиниши ноқонунийлигини айтиб, ҳарбий қисм командирига эътироз билдирди.

Савол: С.нинг эътирози ўринлими?

7. МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

1. Жиноят-ижроия ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир-ю.ф.н., доц. Б.Ж.Ахроров. –Т.: Ўқитувчи, 2002. – 208б.
2. Жиноят-ижроия кодексига шарҳлар. Рустамбоев М.Ҳ., Ахроров Б.Ж. ва бошқалар. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 574 б.

3. Комментарий к Исправительно-трудовому кодексу Республики Узбекистан. –Т.: Узбекистан, 1997.- 345с.
4. Абдухалиқов М.А., Пайзуллаев Қ., Абдуқодиров Ш.Ё. Жиноят -ижроия ҳуқуқи (альбом схемалар). –Т.: ТДЮИ, 2005. – 142 б.

“ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ”

Маъруза мавзуси: Қўшимча жазоларни ижро этиш. (14-мавзу)

Маърузачи: Ғ.Эрматов

1. МАЪРУЗА НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади: Мазкур маъруза ҳарбий хизматчиларга нисбатан ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш тартиби каби масалаларни талабаларга чуқур етказишдан иборат.

Маъруза натижасида талаба:

- ❖ маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлади;
- ❖ маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли жиноятчиликка қарши кураш бўйича ўз фикрини баён эта олади;
- ❖ ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- ❖ тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади.

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ❖ маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ❖ маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга ошириладиган ислохотлар мазмунини ҳақида тушунча берилади;
- ❖ мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ❖ режа асосида слайдлар ёрдамида мавзуаги асосий ҳолатлар тушунтирилади;
- ❖ мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ❖ муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ❖ зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ❖ асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага яқун ясалади.

Ушбу мавзу билан танишиш фаннинг кейинги мавзуларини ўрганишга тайёрлайди, уларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

3. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш тартиби – Ўзбекистон Республикаси ЖИК 14-моддаси 3-қисмига мувофиқ, маҳкум ҳарбий хизматни ўтаётган жойидаги командир (бошлик) амалга оширади.

Ҳарбий хизматчилар ўз мажбуриятини ўтаётган ҳудуддаги тегишли ҳарбий қисм командири ҳукм нусхасини ва суд фармойишини олганидан кейин уч кун ичида маҳкум ҳарбий хизматчини лавозим ва ҳарбий унвонда кўтаришга тақдим этмаслик асоси ва муддати;

ҳарбий хизматчига навбатдаги ҳарбий унвон бериш ҳамда пенсия тайинлаш учун унинг хизмат муддатига қўшиб ҳисобланмайдиган вақт;

маҳкумнинг пул таъминотидан давлат фойдасига ўтказиладиган чегирма миқдорини кўрсатган ҳолда буйруқ чиқаради. Буйруқда суд ҳукми мазмунини, жазо муддатлари ҳамда улардан келиб чиқувчи ҳуқуқий чекловлар изоҳланиб, ҳукмнинг алоҳида кўрсатмаларини бажарилиши учун масъул бўлган кадр, молия ва бошқа масалалар билан шуғулланувчи органлар кўрсатилиб ўтилади. Буйруқ мазмунини айбдорга тушунтирилиб, бу ҳақда унинг имзоси билан тасдиқланган тилхат олинади.

Командир (бошлик) ҳукм ижро этилганлиги ҳақида ҳукм чиқарган судга уч кунлик муддат ичида хабар бериши лозим.

Жазони ўташ муддатини ҳисоблаш – жазони ўташ муддати ҳукми ижро этиш тўғрисида буйруқ чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади ҳамда суд ҳукмида белгиланган муддат давомида қўлланилади. Жазони ўташ муддати ҳукми ижро этиш тўғрисида буйруқ чиқарилган кундан бошлаб ой ва йилларда ҳисобланади. Жиноят кодекси 47-моддасига мувофиқ, хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўташ муддати давомида маҳкумнинг мансабини, ҳарбий ёки махсус унвонини ошириш мумкин эмас, жазони ўтаган вақт эса, унинг кўп йил ишлаганлик, навбатдаги ҳарбий ёки махсус унвон ҳамда пенсия олиш учун асос бўладиган хизмат муддатига қўшилмайди.

Бошқа жиноят содир этганлиги муносабати билан маҳкум ҳарбий хизматчи ҳибсда ушлаб турилган вақт жазони ўташ муддатига қўшилмайди.

Пул таъминотидан чегириб қолиш – хизмат бўйича чеклаш хизматчини суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида пул таъминотининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолишдан иборатдир. Суд ҳукмида белгиланган ушлаб қолиниши лозим бўлган маблағ унинг маошидан ундириладиган бошқа маблағлардан қатъи назар ҳарбий хизматчининг бутун ойлик маошидан ушланиб қолади.

Маҳкумнинг хизмат вазифасини ўзгартириш – жазони ўташ муддати давомида маҳкумнинг лавозими ва ҳарбий унвони оширилиши мумкин эмас. Командир (бошлиқ) қарорига биноан, маҳкум ҳарбий қисм доирасида ёки бошқа қисмга кўчирилган ҳолда бошқа тенг лавозимга ўтказилиши мумкинлиги кўзда тутилган. Бироқ, бунда ушбу лавозим ҳарбий хизматчи эгаллаб турган лавозим билан тенг бўлиши лозим (масалан, тўланадиган ойлик маоши), шунингдек, хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган ҳарбий хизматчи камроқ пул тўланадиган лавозимга ўтказилиши ҳам мумкин.

Жазо ижросини тугатиш – Жиноят кодекси 47-моддасига мувофиқ, хизмат бўйича чеклаш жазо чораси Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган ҳолларда икки ойдан уч йилгача муддатга қўлланилади. Хизмат бўйича чеклаш муддати тугашидан камида уч кун олдин командир (бошлиқ) жазо ижроси тугатиладиган санани кўрсатиб буйруқ чиқариши лозим. Шу билан бир вақтда жазо ижроси тугатилиши тўғрисидаги ҳарбий қисм командири (бошлиғи) буйруғининг нусхаси ҳарбий хизматчини жазога ҳукм қилган судга ҳам юборилади.

Ҳарбий хизматдан бўшатиладиган жазони алмаштириш – ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизматдан шартноманинг муддати тугамай, бекор қилиниши муносабати билан муддатдан олдин хизматдан бўшатилишлари мумкин. Бундай асослар сирасига шартнома шартларини кўпол равишда бузиш, ҳарбий-врачлар комиссиясининг ҳарбий хизматга яроқсизликка доир қарорига асосан саломатлигининг ёмонлашганлиги туфайли, штатларнинг қисқартирилиши, хизматга номувофиқлиги туфайли ёки маҳкум этилганлиги ва ҳ.к. киради. Бундай ҳолда командир (бошлиқ) жазо муддатининг ўталмай қолган қисмини бошқа енгилроқ жазо тури билан алмаштириш ёки жазодан озод қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун материалларни судга тақдим этади.

Қамоқ – шахсни батамом ажратган шароит остида сақлашдан иборат бўлиб, бир ойдан олти ойгача муддатга белгиланади.

Қамоқ ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланиладиган мустақил жазо чораси ҳисобланади.

Гауптвахта – оддий таркибдаги ҳарбий хизматчилар ҳуқуқбузарлик содир этиши ва қамоқ жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар жазони ўташининг бир кўринишидир.

Гауптвахта камера типдаги алоҳида ажратилган муассасалар бўлиб, улар гарнизон ёки ҳарбий гауптвахталар кўринишида бўлиши мумкин.

Қамоқ тариқасидаги жазони ўташ – қамоқ жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар жазони гарнизон гауптвахтасида ўтайдилар ҳамда ушбу жазо чорасининг ижро этилиши мазкур гарнизон гауптвахталари томонидан таъминланади.

Офицерлар, контракт асосида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари бир-биридан алоҳида сақланади.

Қамоқ тариқасидаги жазога ҳукм этилган ҳарбий хизматчиларга нисбатан муддатдан илгари шартли озод қилиш, амнистия ва афв этиш билан боғлиқ умумий қоидалар татбиқ этилади.

Қамоқ жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчиларга Жиноят-ижроия кодексининг 8-бобида, шунингдек ҳарбий уставларда белгиланган жазони ижро этиш тартиби ва шартлари татбиқ этилади.

Қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар қамоқ уйларида сақланиши учун махсус жойлар ташкил қилинади.

4. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Интизомий жазо чоралари – маҳкумларга нисбатан қуйидаги интизомий жазолар берилиши мумкин:

- огоҳлантириш;
- хайфсан;
- енгиллаштирилган сақлаш шароитини бекор қилиш;
- интизомий бўлинмага киритиб қўйиш;
- сақлаш режимини ашаддий бузувчи маҳкумларни манзил-колониядан умумий тартибли колонияга ўтказиш;
- сақлаш режимини ашаддий бузувчи маҳкумларни манзил-колониядан умумий ёки қаттиқ тартибли колонияга, қаттиқ тартибли колониядан махсус тартибли колонияга, колониядан турмага қайтариш.

Интизомий қисмда ушлаб турилган вақтни муддатли ҳарбий хизмат муддатига қўшиш тўғрисидаги илтимоснома интизомий қисм командири томонидан жазо муддати тугашидан бир ой илгари қўзғатилади ҳамда шу муддат бевосита тугаганидан кейин гарнизон ҳарбий судининг судьяси томонидан кўриб чиқилади. Интизомий қисмда бўлиш вақтини шартли равишда муддатидан илгари озод қилинган мазкур шахсларнинг муддатли ҳарбий хизмат муддатига қўшиш тўғрисида гарнизон ҳарбий судининг қарори интизомий қисм командири томонидан суд ажрим чиқарганидан кейин уч кундан кечиктирилмай Мудофаа вазирлигининг Бош штабига маълум қилинади.

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

1. Ҳарбий унвондан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш тартиби.
2. Махсус унвондан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш тартиби.

6. МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:

1-масала

Хизмат бўйича чеклаш жазосини ўтаётган С. ҳарбий қисм командири томонидан взвод командири лавозимидан бошқа ҳарбий қисмда баталон командири лавозимига ўтказилди.

Савол: Командирнинг ҳаракатлари қонунийми?

2-масала

Қамоқ жазосига ҳукм қилинган подполковник гарнизон гауптвахтасида жой етмаганлиги сабабли муддатли ҳарбий хизматчилар сақланадиган гауптвахтага жойлаштирилди.

Савол: Юқорида қандай хатоликка йўл қўйилган

7. МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

1. Жиноят-ижроия ҳукуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир-ю.ф.н., доц. Б.Ж.Ахроров. –Т.: Ўқитувчи, 2002. – 208б.
2. Жиноят-ижроия кодексига шарҳлар. Рустамбоев М.Ҳ., Ахроров Б.Ж. ва бошқалар. Маъсул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 574 б.
3. Комментарий к Исправительно-трудовому кодексу Республики Узбекистан. –Т.: Узбекистан, 1997.- 345с.
4. Абдухалиқов М.А., Пайзуллаев Қ., Абдуқодиров Ш.Ё. Жиноят -ижроия ҳукуқи (альбом схемалар). –Т.: ТДЮИ, 2005. – 142 б.

“ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ”

Маъруза мавзуси: Жазони ўташдан озод қилиш. (15-мавзу)

Маърузачи: Ғ.Эрматов

1. МАЪРУЗА НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади: Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш, муддатидан илгари шартли озод қилиш, енгилроқ жазо билан алмаштиришга тақдим этиш тартиби, жазодан амнистия ёки афв этиш асосида озод қилиш, уларнинг фарқи жазони ижро этилишини тугатиш ҳоллари ва асослари, маҳкумларни озод қилишга амнистия актининг аҳамияти, жазо ижросини тугатиш вақти, ҳисоб-китоб тартиби, шахсий олиб қўйилган буюмларини ва ҳужжатларини бериш, маҳкум вафот этганлиги муносабати билан жазо ижросини тугатиш тартиби, маҳкумларни озод қилишга тайёрлаш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш, керакли жойларга хабар бериш (масалан, ОИТС бўлса ОИТС билан касалланганларга ёрдам кўрсатиш марказига, СИЛ бўлса, сил касалликлари билан чалинганларга ёрдам кўрсатиш марказига), маҳкумларни озод қилиниши ҳақида қариндошларига хабар бериш, вафот этганлиги муносабати билан жазо ижросини тугатиш асослари каби масалаларни талабаларга чуқур етказишдан иборат.

Маъруза натижасида талаба:

- ❖ маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлади;
- ❖ маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли жиноятчиликка қарши кураш бўйича ўз фикрини баён эта олади;
- ❖ ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- ❖ тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади.

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ❖ маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ❖ маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга ошириладиган ислохотлар мазмунини ҳақида тушунча берилади;
- ❖ мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ❖ режа асосида слайдлар ёрдамида мавзуаги асосий ҳолатлар тушунтирилади;
- ❖ мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ❖ муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ❖ зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ❖ асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага яқун ясалади.

Ушбу мавзу билан танишиш фаннинг кейинги мавзуларини ўрганишга тайёрлайди, уларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

3. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Жазодан озод қилиш – суд томонидан жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсни:

- содир этган жиноят учун тайинланган жазодан;
- ушбу жазо турини ҳақиқатда ўташдан;
- жазони ўташни давом эттиришдан озод қилишга айтилади.

Жазодан озод қилиш турлари – Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XIII бобида жазодан озод қилишнинг турлари берилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (ЖК 69-модда);

2. Шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан уни жазодан озод қилиш (ЖК 70-модда);
3. Айбдорни чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш (ЖК 71-модда);
4. Шартли ҳукм қилиш (ЖК 72-модда);
5. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш (ЖК 73-модда, ЖК 89-модда);
6. Жазони енгилроғи билан алмаштириш (ЖК 74-модда, ЖК 90-модда);
7. Касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш (ЖК 75-модда);
8. Амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш;
9. Мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш.

Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш тушунчаси

Жиноят учун суд томонидан тайинланган жазо муддати қатъийдир. Аммо, ахлоқан тузалган маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш ва айрим маҳкумларнинг ҳол-аҳволини ҳисобга олиб, чунончи касаллиги ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги туфайли жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш мумкин.

Маҳкумни муддатидан илгари шартли озод қилиш – озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони кейинги қисмини ўташдан озод қилишда ифодаланади.

Жазони енгилроғи билан алмаштириш – озодликдан маҳрум этилган ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган, ушбу жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан суд жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириши мумкин.

Маҳкумни муддатидан илгари шартли озод қилишга, шунингдек жазони енгилроғи билан алмаштиришга тақдим этиш тартиби – жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш, шунингдек жазони енгилроғи билан алмаштириш суд томонидан Жиноят-процессуал кодексининг 536-моддасида белгиланган тартибда қўлланилади.

Касаллик туфайли ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги оқибатида жазодан озод қилиш тартиби – жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмурияти Жиноят кодексининг 75-моддасида назарда тутилган ҳолларда маҳкумни жазони ўташни давом эттиришдан озод қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритади. Айни бир вақтда судга тиббий комиссия хулосаси ва маҳкумнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилди юборилади.

Амнистия (юнонча – “amnestia”) – кечириш, хотирдан чиқаришни билдирувчи халқаро атамага айланган. Одатда кўп мамлакатларда умумий ва хусусий амнистия иборалари қўлланади. Умумий амнистия (баъзан “афви умумий” деб номланади) ҳуқуқбузарлик содир этган муайян тоифадаги шахсларга нисбатан қўлланади. Хусусий афв бевосита муайян шахсни кечириш, унинг қисматини енгиллаштиришдан иборат. Афв ҳам, гуноҳни кечириш ҳам шахсни реабилитация қилишни англатмайди. Уни жиноят процессининг барча босқичларида афв этилиши, ҳатто унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиши афв акти асосида рад қилинмоғи мумкин.

Афв этиш тартиби – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 17 июлдаги Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом билан белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 мардаги Фармони билан “Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Низом тасдиқланган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасида афв этиш, қоида тариқасида, республика ҳудудида жойлашган судлар ва ҳарбий судлар томонидан ҳукм қилинган шахсларга нисбатан уларнинг афв этишни сўраб ёзган илтимосномасига асосан амалга оширилади.

4.МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Жазо ижросини тугатиш – суд томонидан тайинланган жазонинг ЖИК 167-моддасига кўра тамомланиши.

Жазо ижросини тугатиш асослари – қуйидагилар жазо ижросини тугатиш учун асос бўлади:

- маҳкумнинг суд тайинлаган жазо муддатини ўтаб бўлиши;
- ЖИК 163-моддасида назарда тутилган ҳолларда маҳкумнинг жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиниши;
- суд ҳукмининг бекор бўлиши ва иш юритишнинг тугатилиши;
- ҳукмнинг назорат тартибида ўзгартирилиши ва жазонинг шартли ҳукм билан алмаштирилиши;
- маҳкумнинг вафоти.

Жазо ижросини тугатиш вақти – муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг ижроси мазкур жазо муддатига қонун ҳужжатларига мувофиқ қиритилиши мумкин бўлган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда бу муддатнинг охириги куни тугатилади.

Маҳкумларни озод қилишга тайёрлаш – жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахснинг жазони ўташ муддати тугашига узоғи билан уч ой қолганда уни озодликка чиқаришга тайёрлаш, меҳнат ва турмушда ўрнашишга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, унинг муассасадан озод бўлгандан кейинги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириш мақсадида маҳкум билан тарбиявий иш олиб боради.

5.СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

1. Жазони ўташдан озод қилиш тушунчаси ва турлари.
2. Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш тушунчаси ва турлари.
3. Маҳкумни муддатидан илгари шартли озод қилишга, шунингдек жазони енгилроғи билан алмаштиришга тақдим этиш тартиби.
4. Рад этиш асослари ва такроран озод қилиш учун тақдим этиш тартиби.
5. Муддатидан илгари қўшимча жазолардан озод қилиш.
6. Касаллик туфайли ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги оқибатида жазодан озод қилиш тушунчаси, асослари ва тартиби.
7. Жазодан амнистия ёки афв этиш асосида озод қилиш тартиби ва шартлари (Ўзбекистон Республикасининг 2008-йил 19-ноябрдаги “Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар қиритиш ҳақида”ги Қонуни асосида қиритилган ўзгартишлар моҳияти). Жазо ижросини тугатиш асослари ва вақти.
8. Ҳисоб-китоб тартиби, ҳужжатларни ва шахсий буюмларни бериш.
9. Маҳкум вафот этганлиги муносабати билан жазо ижросини тугатиш тартиби.
10. Жазони ўтаб бўлиши муносабати билан озод қилиш тартиби.
11. Маҳкумларни озод қилишга тайёрлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга моддий ёрдам кўрсатиш.
12. Маҳкумларнинг озод қилиниши тўғрисида хабар бериш ва озод бўлган шахсларни кузатиб бориш.
13. Вояга етмаган маҳкумларни ота-оналарига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига жўнатиш.
14. Ота-оналари бўлмаган, вояга етмаган маҳкумларни интернатларга ёки ҳомийлар қарамоғига жўнатиш.

6. МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:

1-масала

Муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш тарзидаги жазодан озод қилиш тўғрисида маҳкумнинг ўзи илтимоснома билан судга мурожаат этди. Илтимоснома рад этилгач, 3 ойдан сўнг жамоат бирлашмаси шундай илтимоснома билан чиқди. Судья биринчи илтимосномани рад этиш тўғрисидаги қарор чиқаргандан кейин ҳамда олти ой ўтгач, бундай илтимосномалар кўриб чиқилиши мумкинлигини маълум қилди.

Савол: Судьянинг қарорлари қонунийми?

Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш тартибини тушунтиринг.

2-масала

Қамоқ жазосига ҳукм қилинган Р. исмли шахс меҳнатга қобилиятини йўқотганлиги сабабли жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилинди.

Савол: Юқорида қандай хатоликка йўл қўйилган?

3-масала

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни контрабанда қилиш жинояти билан айбланган _____ ва _____ ҳукм _____ чиқарилган О. исмли маҳкум жазони ярмини ўтаганлиги ва касаллиги туфайли жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинди.

Савол: Жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғри амалга оширилганми?

4-масала

3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган 58 ёшли Л. исмли шахс жазони 2 йилини ўтаб бўлганидан сўнг жазони ўташдан озод қилинди.

Савол: Жазони ўташдан озод қилиш тўғри амалга оширилганми? Шахс қандай ҳолларда жазони ўташдан озод қилинади?

5-масала

Муайян ҳуқукдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаётган Д. исмли шахснинг ўзи судга жазодан озод қилиш ҳақида илтимоснома билан судга мурожаат қилди. Илтимосномага жазони тегишли қисмини ўтаганлиги ҳақидаги маълумотномани илова қилди. Лекин, суд маҳкумни ўзи илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳаққи йўқлигини ваз қилиб, илтимосномани рад қилди.

Савол: Рад этиш асослари тўғрими?

7. МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

1. Жиноят-ижроия ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир-ю.ф.н., доц. Б.Ж.Ахроров. –Т.: Ўқитувчи, 2002. – 208б.
2. Жиноят-ижроия кодексига шарҳлар. Рустамбоев М.Х., Ахроров Б.Ж. ва бошқалар. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 574 б.
3. Комментарий к Исправительно-трудовому кодексу Республики Узбекистан. –Т.: Узбекистан, 1997.- 345с.
4. Абдухалиқов М.А., Пайзуллаев Қ., Абдуқодиров Ш.Ё. Жиноят -ижроия ҳуқуқи (альбом схемалар). –Т.: ТДЮИ, 2005. – 142 б.

“ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ”

Маъруза мавзуси: Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш. (16-мавзу)

Маърузачи: Ғ.Эрматов

1. МАЪРУЗА НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади: бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралар тушунчаси ва турлари, уларни қўллаш ва ижро қилиш тартиби, бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш асослари, шартли ҳукм қилинганлар устидан назорат қилиш тартиби, шартли ҳукм қилинганлар хулқ-атвори устидан назоратни тугатиш, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этиш тушунчаси ва турлари, руҳий касалларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби, вояга етмаган шахсларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш тартиби ва турлари, жабрланувчидан узр сўраш шартлари ва тартиби, етказилган зарарни тўлаш ёки бартараф этиш тушунчаси ва тартиби, вояга етмаган шахсни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш каби масалаларни талабаларга чуқур етказишдан иборат.

Маъруза натижасида талаба:

- ❖ маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлади;
- ❖ маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли жиноятчиликка қарши кураш бўйича ўз фикрини баён эта олади;
- ❖ ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- ❖ тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш кўникмасига эга бўлади.

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ❖ маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ❖ маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмунини ҳақида тушунча берилади;
- ❖ мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ❖ режа асосида слайдлар ёрдамида мавзуаги асосий ҳолатлар тушунтирилади;
- ❖ мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ❖ муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ❖ зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ❖ асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага якун ясалади.

Ушбу мавзу билан танишиш фаннинг кейинги мавзуларини ўрганишга тайёрлайди, уларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

3. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларининг турлари Ўзбекистон Республикаси ЖИК 174-моддасида белгиланган бўлиб, улар:

- шартли ҳукм қилиш;
- тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари;
- вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чоралари.

Шартли ҳукм қилиш қонун билан белгиланган шартлар мавжуд бўлганда, маълум синов муддати белгиланган ҳолда шахсни суд томонидан белгиланган жазони амалда ўташдан озод қилишдан иборат, ушбу муддат давомида маҳкум устидан суд томонидан қабул қилинган қарорнинг тўғрилигини текшириш ва шахс унга кўрсатилган ишончини оқлаганлигини текшириш мақсадида назорат амалга оширилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари давлат номидан суд ажрими билан, ижтимоий ҳавфли қилмиш ёки жиноят содир этган руҳий касалларга, шунингдек, алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик касаллигига йўлиққан шахсларга қўлланиб, бу шахсларга руҳий ва бошқа тиббий ёрдамни мажбурлов тартибида кўрсатилишидан иборатдир.

Вояга етмаганларга нисбатан қуйидаги мажбурлов чоралари қўлланилади:

- а) суд белгилайдиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш;
- б) ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш. Ушбу чора агар етказилган зарар белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ошиб кетмаган бўлса қўлланилади. Бошқа ҳолларда етказилган зарар фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида ундирилади;
- в) вояга етмаганни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаш–тириш.

4. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш учун суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ёки ажрими асос бўлади. Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари Жиноят кодексининг 72, 87, 94-96-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда суд томонидан тайинланади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қуйидаги шахсларга нисбатан қўлланилади:

1. Руҳий касалликка чалинган шахслар;
2. Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик касаллигига йўлиққан шахсларга нисбатан қўлланилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига қуйидагилар киради:

- а) мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва руҳий касаллик мутахассисида даволаниш;
- б) умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш;
- в) умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасининг соғлиқни тиклаш махсус бўлимида мажбурий даволаниш;
- г) кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлинмасида мажбурий даволаниш.

Вояга етмаган шахснинг етказилган зарарни тўлаш ёки бартараф этиш тартиби. Етказилган зарарни қоплаш ёки бартараф қилиш мажбурияти вояга етмаганнинг бундай зарарни қоплаш имкониятини берувчи мустақил даромади билан боғлиқдир. Агарда вояга етмаганнинг даромади етказилган зарарни қоплашга етмаса, вояга етмаган уни ўз меҳнати билан (меҳнат тўғрисидаги қонунчилик доирасида) бартараф қилиши лозим бўлади. Агарда бунинг ҳам имконияти бўлмаса, мазкур чора қўлланилмаслиги керак.

Биргаликда жиноят содир этиб зарар етказган вояга етмаганлар, етказган зарарларини ҳам биргаликда қоплайдилар, зарур бўлган ҳолларда эса, уларнинг ота-оналари ёки васийларига улушли моддий жавобгарлик юклатилади. Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар ота-оналари ёки васийларининг мол-мулки ёхуд даромадидан қисман ундириш суд қарори билан юклатилган ҳоллардагина бу амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун вояга етмаганнинг ота-онаси ёки васийлари суд томонидан мазкур жиноят иши бўйича фуқаровий жавобгар сифатида жалб қилиниши зарур. Бу ҳақда суд ажрим чиқариши лозим.

Етказилган зарарни ўз маблағлари ҳисобидан ёки ўз меҳнати билан тўлаш ёхуд бартараф этиш мажбуриятини юклаш тариқасидаги мажбурлов чораси ижро этилганлиги тўғрисида тегишли ҳужжат тузилади.

Вояга етмаган шахслар махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштиришни амалга ошириш тартиби. Вояга етмаган шахслар халқ таълими органларининг махсус ўқув-тарбия муассасаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Вояга етмаган шахсларнинг махсус ўқув-тарбия муассасаларида бўлиши тартиби ва шароити, ўқув жараёни ва тарбиявий таъсирга оид ишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

1. Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралар тушунчаси ва турлари.

2. Бошқа жиноят- ҳукуқий таъсир чораларини ижро этиш асослари.
3. Шартли ҳукм қилинганлар устидан назорат қилиш тартиби.
4. Шартли ҳукм қилинган шахсларнинг мажбуриятлари.
5. Шартли ҳукм қилинган шахсларнинг чекланишларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ҳақида судга тақдимнома киритиш.
6. Шартли ҳукм қилинганларнинг синов муддатини ҳисоблаш.
7. Шартли ҳукм қилинганлар ҳулк-атвори устидан назоратни тугатиш.
8. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этиш тушунчаси ва турлари.
9. Руҳий касалларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби.
10. Беморнинг яшаш жойидаги психоневрология муассасаларида уни жамиятдан батамом ажратилган ҳолда мажбурий даволаш.
11. Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан маҳкумларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тушунчаси ва тартиби.
12. Суд-психиатрия экспертизасини тайинлаш асослари.
13. Касалларни руҳий касалликлар шифохонасига ўтказиш ёки бир касалхонадан иккинчисига кўчириш.
14. Руҳий касалликлар шифохоналарида беморларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
15. Руҳий касалликлар, шифохоналарида беморларни даволашни ташкил этиш ва уларни сақлаш шароитлари.
16. Бемор қочиб кетган ёки вафот этган тақдирда шифохона маъмуриятининг ҳаракати.
17. Руҳий касалликлар шифохонасида беморларни назорат қилиш.
18. Беморни руҳий касаллар шифохонасидан чиқариш тўғрисида хабар, тартиби ва беморларни яшаш жойига юбориш.
19. Беморлар ва руҳий касалликлар шифохонаси ходимлари хавфсизликларини таъминлаш.
20. Руҳий касалликлар шифохоналарида мажбурий даволаш ўтказилиши устидан назорат қилиш.
21. Қамоқ жазосига ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби.
22. Вояга етмаган шахсларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш тартиби ва турлари.
23. Жабраланувчидан узр сўраш шартлари ва тартиби.
24. Етказилган зарарни тўлаш ёки бартараф этиш тушунчаси ва тартиби.
25. Вояга етмаган шахсни махсус ўқув-тарбия муассасига жойлаштириш.

6. МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН МАСАЛАЛАР:

1-масала

Сурункали руҳий касалликка дучор бўлган маҳкумга суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллади. Маҳкумнинг ҳимоячиси эса бунга қаршилик билдирди.

Савол: Суднинг ҳаракатлари қонунийми?

2-масала

Руҳий касаллиги экспертиза томонидан тасдиқланган бўлмаса-да, суд айбланувчига нисбатан мажбурий амбулатория кузатуви ва психиатрда даволаш йўсинидаги мажбурлов чораларини қўллаб, ўзининг ҳаракатларини айбланувчининг судда ўзини худди ақли заифлардек тутгани билан асослади.

Савол: Суднинг ҳаракатлари қонунийми?

3-масала

Рухий касалликлар шифохонасида даволанаётган Т. нинг яқин қариндоши руҳий касалликлар шифохонаси маъмуриятидан Т. билан 3 соатли учрашишга рухсат сўради. Лекин, унинг илтимосномаси маъмурият томонидан рад қилинди ва асос қилиб Ўзбекистон Республикаси ЖИК нинг 186-моддасини кўрсатилди.

Савол: Рухий касалликлар шифохонаси маъмуриятининг ҳаракатлари қонунийми?

4-масала

Рухий касалликлар шифохонасида даволаниб бўлган И. тўлиқ даволанди ва унда касаллик асоратлари қолмаганлиги ҳақида маълумотнома берилди. И. нинг яқин қариндошлари ва васийси бўлмаганлиги сабабли яшаш жойига ўзини жўнатиб юборишди.

Савол: Рухий касалликлар шифохонаси маъмуриятининг ҳаракатлари қонунийми?

Беморлар ўз яшаш жойларига қандай тартибда жўнатилади?

5-масала

Вояга етмаган Т.га нисбатан суд томонидан мажбурлов чораси қўлланилмоқда. Жабрланувчи ва Т. судья томонидан ўз хонасига чақирилди ва оғзаки узр сўраш кераклиги ҳақида судья томонидан Т.га тушунтирилди.

Савол: Юқорида қандай процессуал тартиб бузилган?

7. МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

1. Жиноят-ижроия ҳукуки. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир-ю.ф.н., доц. Б.Ж.Ахроров. –Т.: Ўқитувчи, 2002. – 208б.
2. Жиноят-ижроия кодексига шарҳлар. Рустамбоев М.Ҳ., Ахроров Б.Ж. ва бошқалар. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 574 б.
3. Комментарий к Исправительно-трудовому кодексу Республики Узбекистан. –Т.: Узбекистан, 1997.- 345с.
4. Абдухаликов М.А., Пайзуллаев Қ., Абдуқодиров Ш.Ё. Жиноят -ижроия ҳукуки (альбом схемалар). –Т.: ТДЮИ, 2005. – 142 б.